Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 6 октябрь 1973 йил, шанба ◆ № 236 (15.710). ◆ Баҳоси 2 тийин.

БЕКОБОД районидаги Дзержинский номли колхоз пахтакорлари Ватанга пландаги 3760 тонна ўрнига 5 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга аҳд қилганлар. Етиштирилган ҳосилнинг 84 процента 35 «зангори кема» ёрдамида йиғиб-териб олинади. Суратда: колхознинг илғор бригада бошлиғи С. Охунов (чапда), механизатор М. Отабоев ва бош агроном Г. Шукуров ўртоқлар.

К. Розиков фотоси. (ЎзТАГ).

ЯНГИ БУНЁДКОРЛИКЛАР ЙЎЛИДА

Грузия ССРга Халқлар дўстлиги ордени топширилди

Грузия Совет Социалистик Республикаси қардош халқларнинг ягона, бузилмас оиласида чинакам гуллаб-яшнади. Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашган Грузия меҳнаткашлари саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият, халқ маорифини ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

Грузия ССРнинг коммунистик қурилишга қўшаётган ҳиссаси партиямиз, Совет давлати томонидан муносиб равишда тақдирланди. Республика байроғида — уч орден ярқираб турибди. 5 октябрда бу орденлар қаторига Ватаннинг яна бир мукофоти — Халқлар дўстлиги ордени тақиб қўйилди. Бошқа барча совет республикалари каби Совет Грузияси ҳам бу орденга ССР Иттифоқининг 50 йиллиги арафасида сазовор бўлган эди.

Грузия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика Олий Советининг орден топширилишига бағишлаган қўшма тантанали мажлисида Грузия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзолари, республика Олий Советининг депутатлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият илғорлари тўпланишди. Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. С. Дзоценидзе мажлисни очиб, сўзлаган нутқида республика меҳнаткашлари Ватаннинг юксак мукофотини зўр хурсандлик билан, коммунизм ишига, жонажон КПССга, ўнинг ленинчи Марказий Комитетига чексиз садоқат ҳислари билан қутиб олганликларини айтиб ўтди.

Совет Иттифоқи ва Грузия Совет Социалистик Республикасининг давлат гимнлари янгиради.

Грузия ССРнинг байроғи ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦПСНнинг эсдалик байроғи залга олиб кирилади.

Тантанали мажлис қатнашчилари Марказий Комитетнинг Бош секретари Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини зўр хурсандлик билан фахрий президиумга сайлайдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари А. П. Кириленко сўз берилади.

А. П. Кириленко партия Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан мажлис аҳлини ва улар орқали республиканинг барча меҳнаткашларини ажойиб мукофот — Халқлар дўстлиги ордени билан чин кўнгилдан қутлади. Грузия ССР Совет Иттифоқини ташкил этиш ва мустаҳкамлашда, мамлакатимиз ҳаётларининг қилган хизматлари учун, коммунистик қурилиш ишига катта ҳисса қўшганликлари учун шу орден билан мукофотланган эди.

Тбилисига кела туриб, деди А. П. Кириленко, мен яна бир топшириқ олган эдим. Мен бу топшириқни хурсандлик билан адо этаётирман. Партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев шу шонли воқеа муносабати билан сизларни шахсан муборакбод қилишни ҳамда Грузиянинг коммунистларига, барча меҳнаткашларига Ватанимиз бахт-саодати йўлида қилаётган меҳнатларида янги катта муваффақиятлар ва шахсий ҳаётингизда бахт-саодат тилашни мендан илтимос қилган эди.

Эндиликда шонли республикангизнинг байроғида иккита Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени билан бир қаторда Халқлар дўстлиги ордени ҳам порлаб турадиган бўлди. Бунга сизлар билан бирга барча совет кишилари сидқидилдан қувонадилар. Бу орден алоҳида маънога эга. У — партиямизнинг ленинча миллий сиёсати чинакам тантана қилганлигининг тимсолидир!

Экономикани ва маданиятни ривожлантиришда, одамларнинг маънавий ўсишида Ватанимиз эришган жуда катта муваффақиятлар шунинг натижасида қўлга киритилдики, Совет Иттифоқи халқлари ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери Коммунистик партия раҳбарлигида қон-қардош бўлиб, ягона социалистик интернационал оила бўлиб, ягона совет халқи бўлиб яшаб келмоқдалар, меҳнат қилмоқдалар ва ижод қилмоқдалар. Республикаларимизнинг ҳар бири ҳам буюк бунёдкорлик меҳнатида — коммунизм қуришда ўзининг қатнашаётганлиги билан ҳақли равишда фахрланади.

Грузия меҳнаткашлари барча халқларимизнинг ва аввало рус халқининг қардошлик ёрдамига таяниб тарихан қисқа муддат ичида қудратли замонавий индустрияни бунёд қилдилар, қишлоқ хўжалигини тубдан ўзгартирдилар, фан ва социалистик маданиятни ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Совет ҳокимияти йиллари давомида бу ерда илғор техника билан таъминланган мингдан кўпроқ корхона қурилди. Булар орасида Рустави шаҳридаги катта металлургия ва химия заводлари, марганец рудасини қазиб чиқарадиган корхоналар комплекси, Кутаисидаги автомобиль заводи, Ботумидаги нефтни қайта ишлаш заводи, Тбилисидаги электровозосозлик заводи, Горидаги ип-газлама комбинати ва бошқа корхоналар бор. Революцияга қадар бутун бир йил ичида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотига тенг келадиган саноат маҳсулоти ҳозир республикада тўрт кунда тайёрлаб берилмоқда.

Ҳозирги кунда Грузия магистрал электровозлар ва тез учар самолётлар, юк автомобиллари ва сув ости қанотли денгиз кемалари, металл қирқадиган станоклар ва ҳавозали кранлар, минерал ўғитлар ва химиявий толалар, электрон-ҳисоблаш машиналари, аниқ асбоблар ва бошқа ўнлаб мураккаб саноат буюмлари ишлаб чиқармоқда. Грузия мевалари ва чойи, виноси ва тамакиси мамлакатимизнинг ҳамма жойида иззат ва ҳурматда.

Грузиянинг социалистик халқ хўжалиги — энг замонавий тармоқлар комплексидан иборат бўлиб, умумиттифоқ экономикасида муҳим ўрин олиб турибди.

Коммунистик партиянинг раҳбарлик фаолияти деди А. П. Кириленко, Совет Иттифоқидаги барча миллатлар ва элатларнинг бирлигини ва дўстлигини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Ленин васиятларига оғишмай амал қилиб келаётган партиямиз социализмнинг энг улкан ғалабаларидан бири бўлган бу дўстликни кўз қорачиғидай асрамоқда ва мустаҳкамламоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ҳамиша ривожланиб бормоқда. Бу — жонли, диалектик жараёндир. Партиямиз ССР Иттифоқини мустаҳкамлаш, мамлакатимиздаги барча миллатларнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнашини ва бир-бирига аста-секин яқинлашувини таъминлаш йўлида қунт билан ишламоқда. Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев КПССнинг XXIV съездида Марказий Комитет номидан қилган ҳисобот докладида айтиб ўтганидек, «Партия бундан буён ҳам барча меҳнаткашларни социалистик интернационализм руҳида, миллатчилик ва шовинизмнинг, миллий маҳдудлик ва кибрланишнинг ҳар қандай шаклдаги кўринишларига муросасиз бўлиш руҳида, барча миллатлар ва элатларни астойдил ҳурматлаш руҳида тарбиялайверади».

Партиянинг шу йўли изчиллик билан амалга оширилаётганлиги коммунизм қураётган Ватанимиздаги барча халқларнинг яхлит бирлиги янада мустаҳкамланишига ўзининг самарали таъсирини ўтказмоқда.

Сўнгра А. П. Кириленко партия XXIV съезди белгилаб берган коммунистик қурилиш планларини амалга ошириш, жумладан, тўқкизинчи беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили топшириқларини бажариш борасида мамлакат саноати ва қишлоқ хўжалигида қилинган ишларнинг баъзи якунларига тўхталиб ўтди.

Совет Грузиясининг Халқлар дўстлиги ордени билан муносиб тақдирланган муваффақиятларини қўлга киритишда, деди у, республика коммунистлари партия ташкилотларининг ҳизмати катта. Грузия Коммунистик партияси ленинчи партиямизнинг йирик, жанговар отрядларидан биридир, КПСС Марказий Комитетининг содиқ ва ишончли таянчидир. Грузия Коммунистик партиясининг коммунистик қурилишнинг мураккаб вазифаларини моҳирлик билан ҳал қилиб бера оладиган сиёсий етук, тажрибали кадрлари бор.

КПСС Марказий Комитети республика партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш, улар ишининг формаларини ва методларини такомиллаштириш, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий ҳаётдаги активлигини ривожлантириш тўғрисида ҳар доим ғамхўрлик қилмоқда.

«Грузия Коммунистик партияси Тбилиси шаҳар комитетининг КПСС XXIV съезди қарорларини бажаришга доир ташкилотчилик ва сиёсий ишлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг қарори мана шу ғамхўрлик намуналаридан бири бўлди. Бу қарор бошдан охиригача партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятини ҳар томонлама кучайтиришга, бу ишни ҳозирги замон талаблари ва вазифалари даражасига кўтаришга қаратилган қарордир.

Грузия коммунистлари ва барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг бу қарорини XXIV съезд қарорларини амалга ошириш учун, тўқкизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун олиб борилган курашнинг конкрет программаси деб зўр мамнуният билан маъқуллаганликлари бизга маълум.

КПСС Марказий Комитети ҳозирги вақтда республика партия ташкилоти Грузия Коммунистик партиясининг Марказий Комитети ва унинг бюроси олиб бораётган ҳар томонлама катта ишга ижобий баҳо бермоқда. Халқ хўжалигига партиявий раҳбарликни яхшилаш, партиявий ва давлат интизомини ошириш, кадрларнинг масъулиятини ошириш, идеология ишини кучайтириш, жамият манфаатларига зид бўлган ҳар қандай ҳодисаларни таг-томири билан йўқотиш борасида республикада амалга оширилаётган чораларни КПСС Марказий Комитети тўла равишда қўллаб-қувватламоқда.

А. П. Кириленко меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш зарурлигига алоҳида эътибор берди. Ўзларингизга маълумки, деди у, партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев ҳақида Тошкентда сўзлаган нутқида бу ғоят муҳим проблеманинг актуаллигини алоҳида уқтириб ўтди. Унинг бу тўғридаги кўрсатмалари республикангиз партия ташкилотларининг амалий фаолиятига бевосита алоқадордир ва уларнинг ҳар доим диққат марказида туриши лозим.

А. П. Кириленко халқаро аҳволнинг баъзи масалаларига муфассал тўхталиб ўтди, КПСС, Совет давлати кескинликни юмшатишга, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган актив, ташаббускор сиёсат ўтказиб келаётганлигини гапириб берди.

Ўзларингизга маълумки, деди сўнгра у, барча иттифоқдош ва автоном республикаларимизнинг, автоном областлар ва миллий округларимизнинг қилган хизматлари муносиб равишда тақдирланиб, улар Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотландилар. Социализмдан бўлак бошқа ҳеч қандай ижтимоий тузум бундай орденни таъсис эта олмас ва бундай орден билан бутун-бутун халқларни мукофотлай олмас эди, бунинг учун маънавий ҳуқуқка эга бўла олмас эди, ҳуқуқий, миллий тенгсизликка, зулмга, халқлар ўртасида ишончсизликка чек қўйиш, халқларнинг ҳар томонлама тенглигини ва бирлигини барқарор қилган социализмгина ўзининг энг юксак орденлари қаторига Халқлар дўстлиги ордени билан ҳақли равишда киритди, бугун мана шу орден Грузия Совет Социалистик Республикасига муносиб равишда топширилмоқда!

А. П. Кириленко СССР Олий Совети Президиумининг Грузия ССРни Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини мажлис аҳлининг қизғин қарсаклари остида ўқиб эшиттирди ва Ватаннинг юксак мукофотини республика байроғига тақиб қўйди.

У КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан Грузия ССРнинг ишчилар синфини, колхозчи деҳқонларини, зиёлиларини коммунистларини ва комсомолларини, ёшларини ҳамда революция, уруш ва меҳнат ветераналарини юксак мукофот билан яна бир марта қизғин муборакбод қилди. Биз, деди пировардида А. П. Кириленко, бу мукофот Грузия меҳнаткашларини коммунистик қурилишда янги буюк ютуқларга илҳомлантиришига аминмиз.

А. П. Кириленко нутқи давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

Грузия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе жавоб нутқи сўзлади.

Партия XXIV съезднинг қарорларини ва КПСС Марказий Комитетининг шундан сўнгги Пленуми қарорларини амалга ошириш йўлида республикада қизғин иш олиб борилаётган бир даврда, деди у, Совет Грузияси Халқлар дўстлиги орденини қабул қилиб олмоқда. Республикадаги бу жараённинг ўзига хос хусусияти яна шу нарса билан ҳам белгиланадики, бу иш Тбилиси шаҳар партия комитетининг иши тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг маълум қарорини амалга ошириш белгиси остида олиб борилмоқда. Бу қарорнинг ҳайрли таъсири Совет Грузияси ҳаётининг ҳамма соҳаларида ҳозирининг ўзидаёқ сезилиб турибди.

Халқнинг муҳаббати ва эътирофидан кўра каттароқ мукофот бўлмайди деди сўнгра Э. А. Шеварднадзе. КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев мамлакатимизни Ленин йўлидан коммунизм сари олиб бораётганликлари учун грузин халқи ва республикаларнинг барча меҳнаткашлари уларга мана шу олий мукофот учун ўзининг меҳр-муҳаббатини, иззат-ҳурматини ва садоқатини йўллайди!

Биз Совет Грузияси Советлар мамлакатидаги қардош республикаларнинг буюк, сўнмас юлдузлар туркумида бундан буён ҳам муносиб ўрин олиб, бу туркумга ҳуси бериб туриши учун уни тагин ҳам юксак даражада ривожланган ва юксак маданиятли республикага айлантириш ниятидамиз. Бизнинг жанговор шиоримиз шуки, Совет Грузиясини намуналн коммунистик республика айлантирамиз!. КПССнинг жанговар отрядларидан бири бўлган Грузия Коммунистик партияси СССРдаги барча халқларнинг дўстлигига ва мададига таяниб, бу вазифани ҳам шараф билан бажаришига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Коммунистик интернационализм принципи, деди Э. А. Шеварднадзе, ҳар бир халқнинг миллий манфаатлари тантана қилишини таъминлайдиган бирдан-бир гарантия эканлигига ишончимиз комил. Грузия халқининг меҳнатсеварлиги, интернационализм унинг моҳиятига сингиб кетганлиги ҳозирги вақтда ҳам, келгусида ҳам муваффақиятлар козонишини таъминлайдиган гарантия деб биламиз.

Грузия Коммунистик партияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан Э. А. Шеварднадзе КПСС Марказий Комитетини, Марказий Комитет Сиёсий бюросини ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, шахсан Ўртоқ Л. И. Брежневни, тўрт орденли Совет Грузияси ленинча халқлар дўстлигининг енгилмас қалъаси бўлиб қолади, деб ишонтирди.

Г. Димитров номидаги Тбилиси авиация заводининг йигирувчи слесари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Асатиани, Ингири чой совхозининг механизатори В. Г. Меунаргия, Грузия ССР Фанлар академиясининг академиги В. Д. Купрадзе, Тбилиси шаҳридаги 153-ўрта мактаб директори В. В. Куликова Ватаннинг юксак мукофоти учун Коммунистик партия ва Совет давлатига тантанали мажлис минбаридан туриб қизғин ташаккур сўзлари билан мурожаат қилдилар.

Улар Грузия барча совет халқларининг қардошларча ёрдамига ва мададига таяниб коммунистик қурилишда мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришганлигини ўқтириб ўтдилар. Нотиқлар совет халқининг революцион ва меҳнат традицияларига содиқ бўлган республика меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети теварагида тагин ҳам маҳкамроқ жипслашдилар, ўзларининг бутун кучларини партия XXIV съезди қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга сарфлайдилар, деб ишонтирдилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига ёзилган табрикномани баланд руҳ билан қабул қилдилар.

(ТАСС).

4.850 МИНГ ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 5 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада бир кунда	Шу жумладан машинада мавсум бошидан
Андижон	1,95	82,70	3,14	83,39
Қашқадарё	1,83	79,18	2,23	61,58
Сурхондарё	2,22	73,32	2,71	69,24
Сирдарё	4,02	68,61	5,14	83,79
Наманган	2,62	65,42	4,53	81,81
Фарғона	2,11	64,42	3,02	53,69
Тошкент	3,85	62,86	4,61	67,95
Хоразм	2,80	51,83	2,27	29,88
Бухоро	1,97	51,50	2,91	45,17
ҚҚ АССР	2,97	49,32	3,42	37,07
Самарқанд	2,72	42,83	4,29	47,43
Республика бўйича:	2,63	63,11	3,64	62,29
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	1,83	58,50		
Қашқадарё	1,84	50,70		
Бухоро	0,64	13,34		
Республика бўйича:	1,75	52,93		

ЧЎЛҚУВАРЛАР РАПОРТИ

МИРЗАЧУЛ

Қўриқ ердаги Мирзачўл районининг меҳнаткашлари мамлакатимиз пахтакор республикаларининг ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида ўтказилган партия-хўжалик активи йиғилиши қарорларини бажара борибе, давлатга пахта топириш халқ хўжалик планини муддатидан олдин, 5 октябрда — 19 иш кунида бажардилар.

Тайёрлов пунктларига 35,6 минг тонна пахта жўнатилди. Тайёрланган пахтанинг ҳаммаси машиналарда теріб олинди.

«Тошкент» совхози, хўжалик ҳисобидаги 21, 21-А, 22, 22-А участкалари район эришган муваффақиятга катта ҳисса қўшдилар.

Пахта териб олиш ва уни давлатга топириш давом этмоқда.

Мирзачўл районининг деҳқонлари ялпи ҳосилни 50 минг тоннага етказиш учун курашмоқдалар. Давлат пландан ташқари 15 минг тонна қўриқ ер пахтаси олади.

ДУСТЛИК

Қўриқ ердаги Дўстлик райони далаларининг меҳнаткашлари КПСС XXIV съезднинг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, пахта топириш халқ хўжалик планини муддатидан олдин, 5 октябрда — 20 иш кунида бажарилишини таъминладилар.

Тайёрлов пунктларига 49,5 минг тонна «оқ олтин» элтиб берилди.

Терим техникасидан юксак унум билан моҳирона фойдаланиш муваффақият гарови бўлди. Пахта териш машиналарида 48,8 минг тонна ёки ҳосилнинг 98,6 процента теріб олинди. Бу муваффақиятга Ленин номли, Саркисов номли, К. Раҳимов номли, «Комсомол», «Октябрь 50 йиллиги» совхозлари катта ҳисса қўшди.

Дўстлик районининг деҳқонлари беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилига олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун ишни давом эттирмоқдалар.

Узбекистоннинг катта хирмонига яна 11,4 минг тонна пахта топширилади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

САМОТЛОР — УСТЬ-БАЛИК — КУРГАН — УФА — АЛЬМЕТЬЕВСК НЕФТЬ ҚУВУРИ ҚУРИЛИШИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН СССР НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИ ҚУРИЛИШ ВА МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАРИ ИШЧИЛАРИГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎГРИСИДА

Самотлор — Усть-Балик — Курган — Уфа — Алметьевск нефть қувури қурилишида эришилган жуда катта ишлаб чиқариш муваффақиятлари учун қуйидагиларга **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ҳамда **«Ўрок ва болга»** олтин медали топширилсин:

Амвросьев Михаил Григорьевич — «Союзпроводмеханизация» трестига қарашли 10-ихтисослаштирилган бошқарманинг экскаватор машинисти, Тюмень области.

Давиденко Иван Миронович — «Нефтепроводмонтаж» трестига қарашли 1-ихтисослаштирилган бошқарма слесарь-монтажчилари бригадасининг бошлиғи, Татаристон АССР.

Даньшин Василий Васильевич — «Спецгазстрой» трестига қарашли 5-ихтисослаштирилган бошқарма изоляция-ётқизиш колоннаси бригадасининг бошлиғи, Тюмень области.

Нафиков Галимьян Харисович — «Востокнефтепроводстрой» трестига қарашли 7-қурилиш бошқармаси изоляция — ётқизиш колоннаси бригадасининг бошлиғи, Бошқирдистон АССР.

Нежданов Николай Павлович — «Мегионгазстрой» трестига қарашли 44-қурилиш бошқармаси монтажчилар бригадасининг бошлиғи, Тюмень области.

Орлов Владислав Викторович — «Уралнефтегазстрой» трестига қарашли 1-қурилиш бошқармаси қувур ётқизиш кранининг машинисти, Челябинск области.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1973 йил, 5 октябрь.

ЎРТОҚ А. П. КИРИЛЕНКОНИНГ ГРУЗИЯДА БЎЛИШИ

ТБИЛИСИ, 4 октябрь. (ТАСС). Бу ерда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко бугун Г. Димитров номидаги Тбилиси авиация заводини бориб кўрди. У завод коллективининг ҳаёти ҳамда беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили планларини муддатидан олдин бажариш учун бошланган социалистик мусобақадаги меҳнат ғалабалари билан танишиб чиқди.

А. П. Кириленко Тбилиси Давлат университетида студентлар ва ўқитувчилар билан учраши. У республика халқ хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш проблемалари тўғрисида қизиқиб гаплашди, ўқитиш жараёни билан, университетда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар билан танишиб чиқди.

А. П. Кириленко шу куниёқ Грузия ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрди.

Грузия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе ва республиканинг бошқа раҳбарлари заводга, университетга ва виставкага А. П. Кириленко билан бирга боришди.

ҚИЗҒИН ҚУТЛОВЛАР

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев билан СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ А. Н. Косигин Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Хорст Зиндерманга телеграмма йўллаб, уни Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети Раиси лавозимига тайинланганлиги муносабати билан қизғин кутладилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси Ўртоқ Вилли Штофга телеграмма йўллаб, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг Раислиги юксак лавозимига сайланганлиги муносабати билан уни қизғин муборакбод қилдилар.

(ТАСС).

ТАРИХИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ВОҚЕА

БКП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ БОЛГАРИЯГА ҚИЛГАН ВИЗИТИГА БАҒИШЛАНГАН ПЛЕНУМИ

СОФИЯ, 5 октябрь. (ТАСС). 3 ва 4 октябрь кунлари Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумнинг бу ерда эълон қилинган қарорида бундай дейилади: Болгария Компартиясининг Марказий Комитети КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг 1973 йил 18-21 сентябрда Болгария Халқ Республикасига қилган дўстона визити тўғрисида ўртоқ Тодор Живковнинг ахборотини тинглади. Бу визит биллурдек соф болгар—совет дўстлигининг ёрқин ва зўр намойиши, мамлакатларимиз учун тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Пленум ўртоқ Л. И. Брежневнинг Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси билан ва ўртоқ Т. Живков билан қилган суҳбатларига юксак баҳо берди ва тамомила маъқуллайди. Бу суҳбатлар, дейилади қарорда, БКП билан КПСС ўртасидаги, Болгария Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги бирлик ва ҳамкорликни янада кенгайтириш ва кучайтириш ишига, халқларимиз ўртасидаги қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига қўшилган янги катта ҳиссадир.

БХР ва СССР партиялари ҳамда ҳукуматлари ўтказаётган ленинча ташқи сиёсатнинг тўғрилиги, халқаро муносабатларда энг муҳим асосий проблемаларни адолатли ва пухта ҳал қилишнинг тўғрилиги, КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программаси руҳида ялпи тинчликни мустаҳкамлаш, сиёсатнинг тўғрилиги, дейилади пленум қарорида, ҳар икки партия ва давлат арбоблари ўртасида бўлиб ўтган суҳбатларда яна бир бор ишончли тарзда таъкидланди. БКП билан КПССнинг халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашга бундан буён ҳам янада зўр сабот билан кўмаклашишга шайлиги янги куч билан таъкидланади.

Болгария Коммунистик партиясининг Марказий Комитети КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг визити вақтида болгар халқи уни ғоят самимий кутиб олганлигини, шунингдек ўртоқ Л. И. Брежневга Болгария Халқ Республикаси Қаҳрамони унвони берилганлиги туфайли умумхалқ шодиёнасини фахр ва мамнуият билан таъкидлайди. Бу— мамлакатимиз меҳнаткашларининг: Совет Иттифоқига, КПССга, Совет халқига ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг етакчи арбоби, Болгария Халқ Республикасининг улкан дўсти Леонид Ильич Брежневга нисбатан тўла ишонч, самимий ҳурмат ва қардошлик меҳр-муҳаббати чуқур ҳис-туйғуларининг эркин ва ёрқин ифодасидир, деб таъкидланади БКП Марказий Комитети пленумининг қарорида.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ШАХСИЙ ИБРАТ КУЧИ

Янги кишини — ўзида юксак ғоявийлик ва онгли интизомни, меҳнатсеварлик, маънавий гўзаллик, ахлоқий поклик ва жисмоний етуклик каби ажойиб инсоний фазилатларни уйғунлаштирган коммунистик келажак кишисини тарбиялаш партиямизнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам партия мамлакатимизда коммунизм қуришнинг мураккаб вазифаларини комплекс ҳал этар экан, экономика ва маданиятни ривожлантириш билан бир қаторда янги жамиятнинг муносиб аъзоларини тарбиялашга биринчи даражали аҳамият бериб келмоқда.

«Тегишли моддий-техника базасини вужудга келтирмай туриб коммунизм қуриш мумкин бўлмаганидек, кишиларнинг маданияти, билими, ижтимоий онгини юксак даражага кўтармай туриб, уларни маънавий камолотга етказмай туриб коммунизм қуриш ҳам мумкин эмас», деб таъкидлади Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездига ҳисобот докладида.

Масаланинг бундай тартибда қўйилиши — ўзиг-кесил қилиб қўйилишининг боиси бор, албатта. Фан ва техника тараққиётининг ҳозирги даражаси, коммунистик қурилиш - қўламининг ғоят кенглиги ва мураккаблиги жамиятнинг ҳар бир аъзосидан катта куч, чуқур билим ва юксак маданиятни талаб қилади. Шунинг учун ҳам меҳнаткашларни илмий ва иқтисодий билимлар билан қуроллантириш, уларнинг сиёсий онги, маданияти ва меҳнат активлигини тинмай ўстириш областимиз партия ташкилотларининг диққат марказида турибди. Бу ишга идеология ходимларининг жуда катта армияси сафарбар этилиб, оммага ғоявий таъсир ўтказишнинг хилма-хил форма, метод ва воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Ҳозирги вақтда областнинг саноат корхоналарида, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларида, колхоз ҳамда совхозларида агитация — пропаганда кадрларининг 35 минг кишилик отряди ишлаб турибди. Улар меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кенг кўламда олиб бормоқдалар.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари идеология ходимларининг фаолиятини назорат қилиб ва муайян мақсадга йўналтириб турибди. Сиёсий-тарбиявий ишларнинг аҳволи партия комитетлари пленумларида, актив йиғилишларида, бюро ва секретариат мажлисларида тез-тез муҳокама қилинмоқда ва аҳволни яхшилаш учун зарур чоралар кўрилмоқда. Кейинги икки ярим йил ичида обком бюроси ғу соҳага оид юздан ортиқ масалани кўриб чиқди. Қабул қилинган қарорлар ва белгиланган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш таъминланаётир.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатмоқдаки, тарбиявий ишнинг муваффақияти асосан унинг аниқ мақсадни кўзлаб, системали равишда олиб борилишига боғлиқ. Шунга кўра, область партия ташкилоти олдимизда турган мураккаб вазифаларни ҳисобга олган ҳолда бутун идеология ишини пухта ўйлаб тузилган перспектив план асосида йўлга қўймоқда, унинг самарадорлигини оширишга, халқ хўжалиги вазифаларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлашга ҳаракат қилмоқда.

Бунда жонли кишилар билан иш олиб борилаётганлиги доимо эсда тутилаётир. Уларга якка тарзда ёндашиш, ҳар бирининг қалбига йўл топиш мақсадида область партия комитетининг бюроси Ленинск шаҳар, Бўз ва Избоскан район партия комитетларининг сиёсий-тарбиявий ишлар юзасидан ҳисоботларини эшитиб, диққат-эътиборни бу ишни аҳоли ўртасида табақалаштирилган ҳолда олиб боришга қаратди.

Биз ҳозир ҳамма хўжалик ва корхоналарнинг коллективлари ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида шу масалага бағишлаб яқинда ўтказилган йиғилиш талаблари даражасига кўтариш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Область партия комитети яқинда шу мақсадда 30 кишидан иборат икки махсус группани шаҳар ва районларга юборди. Улар жойларда сиёсий маориф, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, матабгача тарбия муассасалари, дала шийпонлари ва оммавий-сиёсий ишлар аҳволини синчиклаб ўрганди-лар, аниқланган камчиликларни тўғатишда партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатдилар.

Кишилар онгида илмий дунёқарашни шакллантиришда сиёсий маориф муҳим роль ўйнамоқда. Ўтган ўқув йилида областимиз меҳнаткашларидан 86 мингдан ортиқ киши партия ва комсомол маорифи системасида сиёсий билим олди, 35 мингдан зиёд киши иқтисодий билим асосларини ўрганди. Улар билан 4115 пропагандист мутасил шуғулланмоқда.

Кейинги йилларда лекция пропагандаси анча яхшиланди, ўқилаётган лекцияларнинг тематик доираси кенгайди. Бу ишга олимлар, новаторлар, мутахассислар, партия ва совет ташкилотлари раҳбарлари кўпроқ жалб қилинадиган бўлди. Жойларда ҳозир 200 дан ортиқ халқ университетлари ва лекторийлар ишлаб турибди.

Айниқса ёшлар тарбиясига эътибор кўчайтирилаётир. Ёшларнинг меҳнат қаҳрамонлари билан, революция ва колхоз тузуми ветеранлари, гражданлар уруши ва улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан учрашувлари, интернационал дўстлик кечалари анъанага айланди. Ўрта мактабларни битирганларнинг бу йил биринчи марта ўтказилган «Андижон тонги» кечаси ёшларнинг ажойиб байрамига айланди. Шу кунларда область партия комитети айниқса ҳунар-техника таълимини яхшилаш чораларини кўрмоқда. Ёшлар тарбияси ва уларга касб-ҳунар ўргатиш масаласи область партия активи йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди.

Меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш партия ташкилотларининг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда. Жойларда интернационал дўстлик клублари ишлаб турибди, қардош миллатлар вакилларининг кечалари ўтказилмоқда. Областимизда 50 миллатга мансуб кишилар аҳил ва иноқ бўлиб яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. Бнз асосий эътиборни ҳар бир кишида бошқа миллатларни ҳурмат қилиш билан бирга умумсовет ифтихорини тарбиялашга қаратмоқдамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари янги кишини тарбиялашнинг энг яхши мактаби бўлган социалистик мусобақа ва унинг олий формаси — меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати билан муттасил шуғулланмоқдалар. Мусобақа икки ҳил вазифани ўтамоқда, яъни бир томондан, идеология ишининг самарадорлигини, бу ишнинг кишилар онги ва активлигини оширишга нечоғли таъсир кўрсатганлигини намоён этувчи синов бўлса, иккинчи томондан эса КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида айтилганидек, «социалистик ва коммунистик қурилишнинг ҳамма босқичларида мусобақа омма ижодий ташаббусини ривожлантиришнинг, социалистик коллективизм шаклланишининг қудратли воситаси бўлиб қолди.

Область партия ташкилоти социалистик мусобақанн кучайтириш ва меҳнат жараёнида янги кишини тарбиялаш соҳасида катта сиёсий ва ташкилотчилик ишларини олиб бормоқда. Бу масала область партия ва хўжалик активининг йиғилишида, бюро ва секретариат мажлисларида муҳокама қилиниб, шу мавзуда семинар ва кенгашлар ўтказилмоқда. Область меҳнаткашларидан 130 минг киши ёки барча ишловчиларнинг 90 процента ана шу ҳаракатга қўшилган. Уларнинг ярми меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатида иштироқ этаётир:

Саноат корхоналарида 55 мингдан ортиқ ишчи беш йиллик планини муддатидан олдин бажариш учун шахсий топшириқ олиб меҳнат қиляпти. Бу ҳаракат қишлоқ хўжалигида ҳам кучайиб кетди. Бутунбутун қолхозлар, совхозлар ва районлар ана шундай мақсад йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Узаро бегараз ёрдам, қолоқларни илғорлар даражасига кўтариш мусобақанинг асосий қонуни бўлиб қолди. Мана, бир мисол: Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози қўшни «Партия XX съезди» колхози билан мусобақалашмоқда. Ҳар иккала коллектив ҳам бир-бирларининг ютуқ ва камчиликларини, имкониятларини яхши билади. Совхоз коллективи мусобақадошларига пахтачиликни механизациялаш тажрибасини ўргатса, колхоз аъзолари эса уларга янги ерларни ўзлаштиришда ёрдам бермоқдалар. Область партия комитети бюроси ҳар иккала хўжалик коллективининг социалистик мажбуриятларни бажаришда ўзаро масъулият тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, уларнинг ташаббусини маъқуллади. Бу ташаббус бошқа хўжаликларга ҳам кенг ёйилди.

Социалистик мусобақа кишиларни ўз коллективи ишининг аҳволи учун масъулият хиссини ошириш ва меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишга ўргатмоқда. Бунда ибрат кучи муҳим роль ўйнаётир. Ана шу кучдан самарали фойдаланиш мақсадида область партия ташкилоти механизаторларнинг бутун бир янги авлодини машҳур механизаторлар М. Жалолов ва Х. Полвонов тажрибаси асосида тарбияламоқда. Ҳозир областимизда пахтани машинада теришнинг чиранчи усталари Обиджон Акбаров, Маргуба Бўстонова, Қўқон Эргашев каби юзлаб моҳир механизаторлар етишиб чиқдики, биз улар сиймосида янги инсон камолотининг ёрқин намуналарини кўриб турибмиз.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг республикага Ҳадқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишланган тантанали қўшма мажлисида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек меҳнат қаҳрамонларига иззат ва ҳурмат, уларнинг муваффақиятларига тенглашиш — совет воқелигининг ҳаммамиз учун одат тусига кириб қолган нормаси бўлиб қолмоқда.

Буларнинг ҳаммаси область меҳнаткашларининг сиёсий ва меҳнат активлигини оширишга, уларнинг характерида коммунистик хислатларни камол топтиришга самарали таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам улар область экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга ўзларининг бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар. Область саноати беш йилликнинг ўтган икки ярим йили ичида планлан ташқари 74 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилди. Жалақудуқ пахта титиш заводи, «Обиҳаёт», «Эски-тикин» насос станциялари фойдаланишга топширилди, Андижон сув омбори қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Областимизда бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўп — 600 минг тонна пахта топширилади, шундан 360 минг тоннаси машиналар билан териб олинади. Бошқа соҳалардаги ишлар ҳам дуруст бормоқда. Эришилган ютуқларнинг ҳаммаси—мусобақанинг шарофати, коммунистик тарбиянинг натижасидир.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, янги кишини тарбиялашда ҳал қилинмаган масалалар, амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳам кўп. Ана шундай масалалардан бири турмуш маданиятини юксалтиришдир. Коммунистик қурилишнинг бу муҳим участкаси турмушимизнинг ҳозирги даражасидан орқада қолмоқда. Эскилик қарқитларига қарши кураш ва умуман сиёсий-тарбиявий ишларнинг ҳозирги аҳволини юксак талаблар даражасида деб бўлмайди.

Янги кишини тарбиялаш ғоят мураккаб ва кўп қиррали ишдир. Область партия ташкилоти бу соҳадаги ишларни тобора такомиллаштириб бориб, юксак коммунистик идеалларга чексиз садоқатли бўлган кишиларни камол топтириш учун бундан кейин ҳам ҳамма чораларни кўраверади.

Б. РАҲИМОВ,
Андижон область партия комитетининг биринчи секретари.

Ҳал қилувчи йил топшириқларини барвақт бажаришга ахд қилган республикамиз саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг меҳнатсевар коллективлари мусобақа байроғини тобора баланд кўтариб меҳнат қиляптилар. Суратларда: (юқоридан) Олмалиқ химия заводининг экстракция цехи ишчиси Валя Михаленкова ва (пастда) Тошкентдаги механизациялашган 8-қурилиш бошқармасининг кранчиси Люба Губарларни кўриб турибсиз. И. Глауберзон ва А. Тўраев фотолари.

БЕНГАЛИЯ МЕҲНАТ АҲЛИ КУЙЧИСИНИНГ КИТОБИ

Бенгалиянинг таниқли коммунист шоири Шубҳаш Мухопадҳайёйнинг Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриётида чоп этилган шеърлар тўплами «Шу кунларимиз ташвишлари», деб номланган. Бу шоир — оташин революцион публицист, ҳинд халқининг Англия мустамлакачиларига қарши миллий озодлик курашининг фаол қатнашчиси, коммунистик ғояларнинг тарғиботчиси, М. Горький асарларини ўз она тилига ағдарган биринчи таржимонлардан бўлган. У Горький асарлари таржимасини «Бўрон қуши ҳақида қўшиқ» дан бошлаган Бўронга қарши турган инсон образи Мухопадҳайёй шеъриятининг бошидан охиригача гавдаланиб туради. Бенгалия адибининг қаҳрамонлари момақалдироқ ичра «Ернинг жароҳатлари аро» бораётган, кўзларида «Аввал ёш аримаган — энди ўт ёнаётган» меҳнаткаш кишилардир.

Мухопадҳайёй шеърларида инсоннинг ёрқин келажагига ишонч, «қурашаётган инсониятнинг коллектив куч-ғайрати билан тутилажак» оташин ишонч ўз ифодасини топган.

Бенгал шоирининг шеърларини С. Северцев таржима қилган. (ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ»

Газетамизнинг 1972 йил 18 ноябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган фельетонда «Жаркўрғоннефть» бошқармаси ишчилар таъминоти бўлимининг бошлиғи Т. Е. Сорокининнинг жиноий қилмишлари очиб ташланганди. Шу муносабат билан Жаркўрғон район партия комитетидан келинган жавоб газетада ўз вақтида эълон қилинганди. Унда райком бюроси молия-хўжалик фаолиятида камчиликларга йўл қўйганлиги учун Т. Е. Сорокинага қаттиқ виговор берган ва газифасидан бўшатгани кўрсатилганди.

Аммо иш бу билан тугамади. Фельетон юзасидан область прокуратураси қуйидагиларни маълум қилди: фельетон эълон қилиниши билан «Жаркўрғоннефть» бошқармаси ишчилар таъминоти бўлимида атрофлича текшириш ўтказилди.

Т. Е. Сорокина мансабини суиистеъмол қилиб, бўлим бош бухгалтери билан биргаликда савдо планларининг бажарилиши ҳақидаги маълумотларни ошириб кўрсатиб келган. Масалан, 1970 йилнинг августидан 1973 йилнинг январигача савдо планининг бажарилиши ҳақидаги маълумотларга 263 минг 118 сўмни нўшиб ёзган. Бу билан, биринчидан, давлатни алдаган. Иккинчидан, планнинг бажарилиш суммасини ошириб кўрсатиш йўли билан фақат 1972 йилнинг ўзида ходимларга 2079 сўм 38 тийин ошиқча мукофот бериб, давлатга моддий зарар етказган. Бундан ташқари, Т. Е. Сорокина ва бўлим бош бухгалтери Б. Зонировлар 1970—1972 йилларда шиша идишларни йирғаш ходимларга 2292 сўм 96 тийин ўрнига 5264 сўм мукофот берганлар.

Юқоридагиларга асосан Т. Е. Сорокина ва Б. Зонировлар жавобгарликка тортилдилар.

«ХАРИДОР БАҲОСИ»

— «Совет Ўзбекистони»нинг 13 июнь сонида босилган мақолада,— дейилади Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигидан олинган жавобда, — министрликка қарашли айрим корхоналар планни бажармаганлиги учун аҳолиги минерал сувлар, спиртсиз ичимликлар, новвот, парварда каби ширинликлар билан таъминлаш талабга жавоб бермаётгани, ана шу маҳсулотларнинг сифати пастлиги тўғри кўрсатилган.

Бу масала барча корхоналарнинг раҳбарлари, республика Савдо министрлиги ва маҳсулот сифати бўйича давлат инспекцияси ваниллари иштирокида ўтказилган коллегия мажлисида муҳокама қилинди. Планни бажармаётган корхоналарнинг раҳбарлари қаттиқ огоҳлантирилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини оширишга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди.

ҚОТИЛЛАР ҲАРАКАТИГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН!

ЧИРЧИҚ. (ЎзТАГ). Чирчиқдаги трансформатор заводида фашистлар хунтаси Чили ватанпарварларига қарши авж олдириб юборган қонли террорга қарши кўп киши қатнашган норозилик митинги бўлиб ўтди.

— Исёнчилар қилаётган жиноятлар, — деди монтажчи Умринисо Мирбобоева, — кун сайин кўпайиб бормоқда. Чили реакцияси контрреволюцион тўнтариш қилиб, Сальвадор Альендени ва мамлакатнинг бошқа содиқ фарзандларини ўлдиргандан кейин Чили Компартиясининг Бош секретари Луис Корвалаидан ўч олишга тайёргарлик кўрмоқда. Биз хунтанинг қонли жиноятларини қаҳр-газаб билан қоралаб, Луис Корвалан қамоққа олинганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг чиқарган баёнотини тўла-тўкис маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Биз қотилларнинг ҳаракатига чек қўйилишини талаб қиламиз!

Қурилиш объектларини лойиҳалаш масалалари

ЛОЙИҲАЛАШДА ГАП КЎП...

Капитал қурилиш самарадорлигини оширишда техника ва иқтисодий жиҳатдан жуда аниқ ва тўғри асосланган лойиҳалар муҳим ўринни эгаллайди. Қурилиб, фойдаланишга топширилган объектлар узоқ йиллар давомида ёғин-сочинларга, қуёш нури ва ер силкинишлари каби бошқа таъсирларга бардош бермоғи лозим. Республикамиз катта қурилишлар майдонига айланган. Кўпчилик объектлар мукаммал лойиҳалар бўйича қурилянти. Барпо этилаётган биноларимиз ўзига хос архитектура кўринишларига эга. Ўй-жой қурилишида одамларнинг яхши яшашлари учун кенг шароитлар яратилиши кузаланяпти. Саноат қурилишида эса, ишчиларнинг баракали меҳнат қилиши учун зарур имкониятлар яратилишига катта эътибор берилянти. Маданий-маиший мақсадлар учун қурилаётган объектларда маҳаллий шароитлар ҳисобга олинаётир.

Қурувчилар олдида турган муҳим вазифалардан бири-барча қурилиш объектларини мукаммал лойиҳалар бўйича барпо этишдан иборат. Лойиҳалаш институтлари бу ишда жонкуярлик кўрсатмоқлари, қурилиш лойиҳаларини пухта ва аниқ яратишга зўр эътибор бермоқлари керак.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим қурилишларимиз пухта бўлмаган лойиҳалар асосида қурилаётганлиги сабабли кўнгилсиз воқеалар учраб турибди. Бундай қурилишларда қурувчиларнинг қимматли вақтлари бекор ўтаётганлиги билан бир қаторда кўплаб капитал маблағлар ортиқча сарфланмоқда. Аксарият қурилиш объектларида ҳозирги замон фан-техника ютуқлари суст жорий этилянти. Лойиҳалашда технологик қоидаларга риоя қилинмаянти. Конструктордлик ишларида камчиликлар, етишмовчиликлар ва кўпгина хатолар учраб турибди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бундан анча илгари УзНИИП лойиҳаси институти Фарғонада барпо этиладиган 500 беморга хизмат кўрсатувчи поликлиника лойиҳасини яратган эди. Лойиҳачилар поликлиника атрофидаги тўсиқ деворни ғиштдан тикланиш лозимлигини кўрсатишган. Девор қурилиши технологияси техника жиҳатдан нотўғри тузилганлиги сабабли бу ерда ортиқча маблағ сарфланди ва деворнинг қувватсиз, чидамсиз қурилишига сабаб бўлди. Шу институт лойиҳачилари томонидан Андижонда барпо этиладиган музика мактаби лойиҳаси ҳам яратилди. Мактаб концерт зали 40 сантиметрдан ошиқ керамзит қатлами билан қурилиши лозимлиги тавсия этилган. Бундай қурилиш материали нотўғри тавсия этилганлиги сабабли бино кўнгилдагидек чиқмади. Томлари қоплангач, юк оғирлиги тушиши билан девор қоплагич плиталар чатнаб, ёрилиб кетди.

«Ташгипрогор» институти яратиб берган фармацевтика институти биносининг лойиҳаси ҳам қатор камчиликларга эга эканлиги аниқланди. Бино томининг ёғин-сочинларда ҳосил бўладиган сувни оқизиб юборувчи қисми нотўғри лойиҳаланган. Бунинг оқибатида лойиҳага тузатишлар киритилди. Кўпгина ишлар қайта бажарилди. Бундан ташқари вақт ўтиши билан об-ҳаво шароитида бинонинг сувоқ ва деворлари чатнай бошлади. Пардозлаш ишлари яроқсиз ҳолга келди. Янги қўлдан чиқарилган бинонинг капитал ремонти учун 15 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланганлигини қандай баҳолаш мумкин?

ТашЗНИИЭП лойиҳалаш институтида яратилган «1-Уз-500 ТСП» типидаги уй-жой лойиҳалари ҳам қатор етар-етмасликларга эга эканлиги маълум бўлди. Лойиҳачилар ўзбошимчалик билан ёғин-сочинларни ўз-ўзидан бўлатиб юборувчи махсус том қопламаларидан фойдаланган. Бу қопламалар шу пайтгача қурилиш практикасида ҳеч қўлланилмаган ва техник жиҳатдан асосланмаган. Нўл қўйилган бу техник камчилик оқибати билан Тошкентнинг 2-Қорақамиш массивида 1970—1972 йиллар давомида қурилиб фойдаланишга топширилган 45 та уйжой биносининг томлари яроқсиз чиқди. Лойиҳада кўрсатилган том қопламалари ўрнига шифер қопламалар ўрнатилянти.

ТашЗНИИЭП лойиҳалаш институти ходимлари санъат музейи биносини лойиҳалаётганда ҳам қатор камчиликларга йўл қўйишди. Бинони конденцион ҳаво билан таъминловчи қисмини монолит темир-бетон тўсиқлар ва конденцион камералар билан барпо этишда қатор нуқсонлар аниқланди. Бунинг оқибатида кўп вақт ўтмай қурилган тўсиқлар яроқсиз ҳолга тушиб қолди ва қўшимча бир неча минг сўм маблағ сарфланди. Йўл қўйилган камчиликлар кейинчалик институт раҳбарлари томонидан текширилганда лойиҳанинг бош мутахассис-лойиҳачи назоратдан ўтказмаганлиги аён бўлди.

Лойиҳаларнинг, ишчи чизмаларининг тўғри ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда қурилиш давомида ҳар хил қўшимча ва тузатишлар киритилиши оқибатида объектлар қурилиши узоқ муддатга чўзиладиган ва ортиқча сарф-ҳаракатлар бўлаётгани аниқланди. Кўпгина биноларнинг лойиҳаларида кўрсатилган смета қимматлари қурилиш таннархига тўғри келмайди. Капитал маблағларни планлаштиришда кўпгина хато ва тушунмовчиликлар келиб чиқяпти. Наманган шоён ва жюстомбол газламалар комбинатининг 36,4 миллион метр тайёр газламалар ишлаб чиқарувчи қўшимча қувватлар қурилиши учун 1970 йил иш ҳажмида 41800 минг сўм кўрсатилган. Кейинчалик аниқланишича, лойиҳа смета ҳужжатларида бу нотўғри кўрсатилганлиги маълум бўлди. Комбинат қўшимча қуввати қурилишининг ўхирига келиб, қурилиш таннархи 2,6 баравар ўсди ва у 10909 минг сўмни ташкил этди. Ошиқча капитал маблағ сарфланди-ю, лекин комбинат қуввати лойиҳада кўрсатилганидан бошқа ўзгармай қолди. Бунинг устига объект муддатидан анча кеч — 1972 йилда ишга туширидди.

Поп станциясида қурилган картон-рубероид заводининг қурилишида ҳам юқорида қайд этилган воқеа содир бўлди. Лойиҳа-бўйича 38,6 минг тонна картон ишлаб чиқариш қуввати эга бўлган корхона қурилиши учун 2750 минг сўмлик иш бажарилиши керак эди. Завод 1969 йилда ишга туширишиш планлаштирилганди. Қурилиш ишлари смета ҳажми қайта кўриб чиқилганда капитал қурилиш маблағи 5656 минг сўмни ташкил этди. Бу пландагидан 1,5 барабар ортиқдир. Ҳолбуки, завод белгиланган муддатдан анча кейин — 1972 йилда эўрга ишга туширидди.

Бу фактлар шуни кўрсатадики, лойиҳалаш институтлари лойиҳалаш бўйича ўзларининг перспектив планларига эга эмас. Улар ҳеч бўлмаганда якки йиллик перспектив планларга эга бўлишлари лозим. Бундай қоллар лойиҳаларни ўз вактида, пухта ишлаб чиқишга халал етказади. Оқибатда қурилиш давомида қўшимча ўзгартиришлар киритилади. Давлатнинг кўплаб капитал маблағлари қўкка соврилади. Лойиҳалаш институтлари одатда буюртмачиларга ҳар йилнинг биринчи сентябрида кўпчилик қурилишлар бўйича тузилган лойиҳаларни топширишлари керак. Буюртмачилар ва қурувчилар ана шу пухта ва ўйлаб тузилган лойиҳалар бўйича белгиланган объектларда қурилиш ишларини ташкил этмоқлари лозим.

Лойиҳалаш институтлари ўзларининг перспектив планларига эга бўлмаганликлари сабабли лойиҳаловчи инженер-техниклар буюртмаларни шошиб бажаришга мажбур бўладилар. Натижада, лойиҳа смета ҳужжатларида кўплаб камчиликлар содир бўлади. Бундай кўнгилсиз воқеаларнинг содир бўлмаслиги учун, қурилиш объектлари лойиҳаларини перспектив планлар асосида олдиндан ишлаб чиқмоқ, яратилган лойиҳаларни лойиҳачи-мутахассислар, махсус экспертлар такрор текшириб кўрмоқлари, камчиликларнинг олдини олишлари ва ўз вақтида синчиклаб кузатишлари даркор. Лойиҳалаш ишларини шундай ташкил этайликим, бу лойиҳалар бўйича иш курувчи қурувчи бунёдкорларимиз асло ранжишмасин. Лойиҳачилардан норизо бўлишмасин. Биноларимиз ўз муддатида қурилиб фойдаланишга топширилсин.

П. РОҲАТОВ,
Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети қурилиш ва қурилиш индустрияси бўлимининг инспектори.

БАЙРОҚДОРЛАР

«Социализм» совхозида ҳозир йиғим-теримнинг қизғин палласи. Далаларда ҳаёт қайнайди. 126 терим машинаси бетўхтов, унумли ишлатилаётир. Пўлат от суворийларининг ҳар бири ўрта ҳисобда етти тоннадан ошириб дур ўйнашмоқда. совхозда бутун куч — етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмасдан тезда йиғиштириб олишга қаратилган. Шу туфайли меҳнатга яроқли бўлган ҳар бир кишининг ўрни далада. пахта териш билан банд. 1600 дан ортиқ киши теримда қатнашмоқда. Бу эса терим суръатини кун сайин ошириш ва марра томон яқинлашиш имкониятини яратмоқда.

Ҳозир хўжалик йиллик планнинг 95 процента миқдорида пахта топширди. «Зангори кема»ларда пахта териш плани эса районда биринчи бўлиб 125 процент бажарилди. Мавсумда машиналар бункеридан 13 минг тоннадан зиёд пахта тўкилади. Бунда шу кунгача 420 тоннадан ортиқ пахта терган Босим Бозоров, бункердан 320 тонна «оқ олтин» тўккан Муродим Қаршибоев, 120-180 тоннадан дур терилган Лолахон Пардаев, Турғунбой Абдураҳмонов, Боқибой Эржигитов каби механик-ҳайдовчилар ўзларининг мўносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Жуман Бердалиев, Остон Жўраев, Анвек Бердибеков, Исроил Умаров ўртоқлар бошқарувчи бўлган бўлимлар биринчи бўлиб галаба рапортига имзо чекди. Ҳар гектар ердан 30 центнердан хирмон кўтариш иштиёқида тер тўкишаётган бу илғор бўлимлар ҳозир мажбурият ҳисобига пахта топширишмоқда. Районда биринчи бўлиб зафар қўлган коммунист Синдор Қаршибоев бошлиқ бригада ҳосилдорликни 35 центнерга етказмоқчи. Ленин орден кавалери Мухтор Холматов бошлиқ бригада аъзолари юз гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтаришди. Бригада даласида ҳали ҳосил кўп, шуни ҳисобга олиб яна 10 центнердан пахта териб олиш мўлжалланмоқда.

Пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида бўлиб ўтган йиғилиши қарори хўжалик меҳнат аҳлининг бир ғайратига, ўн ғайрат қўшиб юборди. Йил бошида она-Ватанга 14 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олган коллектив уни қайта кўриб чиқдилар. Улар мавжуд олти минг гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтариш ва ялпи ҳосилдорликни 16 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

Сўзи билан иши бир бўлган социализмчилар терим суръатини ошириб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, Сирдарё область совхозлар трести ҳамда район кўчма Қизил байроқлари ҳамда пул мукофотини олишга сазовор бўлдилар.

Дастлабки маррани эгаллаб, кўчма Қизил байроқларни ўз қўлларида сақлаб қолиш учун фидокорона меҳнат қилишаётган совхоз ишчилари йиғим-терим суръатини сира бўшаштирмаётирлар. Бутун ишчи кучи ва терим агрегатлари ана шунга сафарбар этилган.

Т. УНАБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбири.

Суратларда: (чапдан) 1. Шўрўзак пахта қабул қилиш пунктида 2. Совхознинг донгдор кишиларидан: С. Қаршибоев, Ж. Бердалиев, С. Сатторов, А. Умрзоқов, Қ. Раҳматов, М. Каршибоевлар. 3. Илғор бригада бошлиғи М. Холматов.

А. Тўраев фотолари.

НИҲОЛ МИСРАЛАР

ШЕЪРЛАРГА ОБЗОР

Ватан сўзи онадай азиз, ноندай муқаддас. Аёз ўлка, тўғриб-ўсган қишлоқ, унинг тез очар анҳорлари, майсаси гилам, гуллар атрига чўмган боғлар, дон тула хирмонлар, хуллас, юракка хушлик бахш этувчи предмет ва ҳодиса, ҳаяжонли дамларни ҳар бир завқи бор инсон қаламга олишга, ёхуд қўшиқ қилиб куйлашга интилади. Ву саҳоатли ўлкада шоирлар иштиёқи билан ёнганлар беҳисоб.

Редакцияга ҳар куни келаётган кўплаб ҳатлар, шеърлар, ҳикоя юборувчилар ишлаб чиқариш, қурилишларда меҳнат қилаётган, станокни, дастгоҳни бошқараётган, осмор дарднга малҳам излаётган, ёш авлодга билим бераётган, ўрга мактаб, доришфуналарда таҳсил кўраётган ёшлар, қизжувонлардир. Шеъриятга бўлган ҳавас бизни қувонтиради, шубҳасиз. Лекин талабчан шеър мухлисларининг дилига мос келадиган, уларнинг маънавий дунёсига озиқ бера оладиган шеърлар ёзиш учун ҳавасгинг ўзи озлик қилади. Бунинг учун тинмай изланиш, меҳнат қилиш, машқ, узлуксиз машқ лозим.

Мана қўлимизда редакцияга юборилган бир гурух ҳат, шеър, ранг-баранг мавзуни турли шакладаги шеърлар... лекин фақатгина мавзуларнинг ранг-баранглиги ёки актуаллиги билан масала ҳал бўла қолмайди. Ҳамма гап мавзуларнинг қандай таҳлил қилиниши, шеърнинг бадиий қуватида.

«Кимни меҳнат чекмади,
Роҳатга ҳам етмади» —

деган ҳикматли ибора бор. Меҳнат сарф этмай, ўғламай, юрак ҳароратини қўшмай ёзилган шеър қайси мавзуда бўлишидай қатъи назар ҳиссиз, таъсирсиз бўлиб қолаверади. Айтмоқчимизки, ўзи ёнмаган юрак, ўзгалар юрагига ҳам ҳеч қачон ўт сололмайди. Мисолларга мурожаат қилайлик.

Қатор ҳаваскорларнинг шеърларини ўқиб самимият англадик, юракдаги беозор, безавол туйғуларини шеърхон билан, ҳеч бўлмаганда дўсти билан ўртоқлашишдек эзгу орзу билан ошиқ бўлдик.

Одамга ўхшайди шеърларим,
Гоҳ ғамгин, гоҳ шодон ва бегам,
Оламга ўхшайди шеърларим,
Уларда гўзаллик бир олам.
Юлдузга ўхшайди шеърларим,
Гоҳ сўник, гоҳида серзиё.

Хоразмли Шоҳир ЖУМАНИЕЗОВнинг «Юрак», «Севгилимга» каби шеърларида ҳам унинг содда қалби, беғашам, самимий ўй-кечаллари шундоккина уфуриб турибди. Уларда нима етишмайди? Уларда изчиллик, фикрни бир ипга чизиш, бир мақсадга бўйсундириш, шеърий хулосалаш етишмайди. Мана унинг «Севгилимга» шеърининг хулосаси:

Қалбимдан қалбингни олсанг қайтариб,
Ҳижрон зиндонига ташласанг агар.
Қайга боргум қалбга мозор ахтариб,
Қайларга бошимни урай дарбадар.

Бу хил гумтароқ, умидсиз шеърни ўқиганингда шубҳасиз, ранжийсан. Ахир севги—юракда туғилган бебаҳо туйғу-ку!

Она тилимизга қурмат билан қараш, унинг қазинасидаги бебаҳо дурдоналардан фойдалана билиш, сўзларинг маъноси, ўрни, маромига қараб ишлата билиш ҳам шеъриятга ҳавас қўйган ҳаваскор учун жуда зарур: «Нақотни кўр қилиб севгим кўзларин», — дейди ҳаваскор ўз шеърида. Севгининг кўзи қанақа бўлади?

«Сен ургин танбур, мен ўйнайин» (Наманган, О. Мамажонов). Танбур ирмайди, балки унинг торлари чертилади, чалинади.

Қатор шеърлар, муҳаббат мавзуига бағишланган. **П. Рустамов, Ё. Мамажонов, А. Аҳмедов, Л. Охунов, А. Маткаримов** ва қатор ҳаваскорларнинг шеърлари шулар жумласидандир. Муҳаббат мавзуига қалам урмаган шоир йўқ. У асрлардан-асрларга, юраклардан-юракларга ўтиб кунларнинг келаётган бебаҳо туйғу. Лекин бу мавзуга қалам уришдан аввал ўйлаш керак. Ҳар қандай мақтов, ҳушомад, баланд-паровоз севги изҳорлари муҳаббат шеъри ёки муҳаббат мадҳи бўлавермайди. Умуман, ақл тарозисида тортиб кўрилмаган гап, фикр шеър бўлавермайди.

Богда кўрдим гўзал дилрабо,
Қоматига айтдим тасанно.

каби сўзлар тизмасини ўқувчига шеър деб, тақдим этиб бўладими?

Бошқа конвертларни очамиз:

Оймома неча ёшда,
Уртада шундай савол.
Оймома октябрят,
Кўксида порлар юлдуз.
. . . . . .
Ёки —
Солиҳ ана,
Теранка —
Қолди қуёш илиниб.
Олиб беринг,
Тез бўлинг.—
Дейди укам суюниб.

Болаларга бағишлаб ёзилган бу шеърларида намангалиқ Ҳабибулла Алиев жуда содда, оригинал, самимий сатрлар топибдилар.

Умуман Ҳабибулла Алиев болалар дунёсини, қизиқишини яхши кузатади. Ву кузатувларини у болаларга хос равон, ўйноқи шаклда ифода эта билади. Биз ҳаваскорнинг бундай изланишларига умид билан қараб, унинг ижодига муваффақиятлар тилагимиз келади. Ҳабибулла Алиевнинг «Суҳбат», «Она элласи», «Туш», «Саватга соламан» каби шеърлари фақатгина болаларни эмас, катта ёшдаги ўқувчиларни ҳам мамнун этади.

Шеър бепарволикни, пала-партишликни севмайди. Шеър — меҳнат, муҳаббат, изланиш маҳсулидир. Шеърни шеър ёзолмай яшай олмасангизгина, шеър ёзмай туролмасангизгина ёзинг. Уни шунчаки ҳавасга, овунчоқ учун ёзиб бўлмайди. Шеър — қалб эҳтиёжидан туғилади.

Баҳор чоғи хазон билмас,
Атр ҳидли гуллан келтир.
Сағал гапга ғазо урмас
Муҳаббатли ёрдан келтир.

Ўйлаб ёзсанг ҳам ўйлаб ёз. Аввало, бу ерда қофия эмас. Сўнг **Муҳаммаджон Туропов**, ўзбек тилини, ўз тилини яхши билмаслиги кўриниб турибди. «Сағал» сўзининг маъноси йўқ, бизнингча у «Сэлга» демоқчи. «Араз уриш» каби ибора ҳам тилимизда йўқ. Сўнгра, «муҳаббатли ёр» келтирадиган мато эмас, уни келтириб бўлмайди. Уни келтирмоқ учун сўзлан эмас, юрак, меҳр, туйғу, вафо кўприги солмоқ, садоқат, лутф поёндозини тушамоқ даркор.

Ўзбек тили гоят бой, жозибадор тил. Тилимиз луғатида мавжуд бўлган жилвали сўзлар неча авлод шоирларининг шеър ва газалларига озиқ берган. Редакцияга келаётган шеърларнинг ҳаммасига хос умумий хусусият — тилнинг камбағаллигидир. Уларда кўпинча қуйдуз-юлдузга, гулбулбулга, ошар-шошарга, ошмошга, жон-конга қофия қилинади. **М. Мансурова** (Қувасой), **С. Содиқов** (Қувасой), **У. Сиддиков** (Самарқанд), **Ҳ. Боқиев** (Фарғона), **Н. Мамадалиев** (Фарғона), **А. Маткаримов** (Хоразм), **М. Туропов** (Қашқадарё), **Б. Баҳромов** (Ўрта Чирчиқ), **Д. Жабборов** (Бухоро), **О. Мамажонов** (Наманган), **Ш. Козоқбоев** (Наманган) ва қатор бошқа ҳаваскорларнинг шеърлари бунга мисол бўла олади. Уларда фикр саёзлиги, бадиий савиянинг пастлиги ҳам кўзга ташланади. Баъзи ҳаваскорларимиз қалин-қалин дафтарларни тўлатиб «шеърлар» юборадилар, газетала босилишини талаб ҳам қиладилар. Шеър ёзиш, ҳикоя ёзиш, қўшиқ ёзиш, замонамизни, унинг ажойиб кишиларини куйлаш. Лекин шуниг ёзишки, ундан сизнинг ҳаётни чуқур билишингиз, ҳодисаларга оригинал муносабатингиз, поэтик истеъдодингиз ярқлаб кўриниб турсин. Адабиётимиз янги талантларга ҳамиша ташна.

ДОН ДАВЛАТГА

Республика областларида маҳаллий ҳокимиятлар дони ва шоли топшириш борасидаги ишлар ҳақида 5 октябрга бўлган МАЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — ўрилган маҳаллий ҳокимиятлар дони (топширишга нисбатан процент ҳисобида); учинчи устун — топширилган маҳаллий ҳокимиятлар дони (топширишга нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — ўрилган шоли (планга нисбатан процент ҳисобида); бешинчи устун — топширилган шоли (топширишга нисбатан процент ҳисобида).

Самарқанд	60,6	101,8	43,0*	3,6
Тошкент	65,4	101,3	41,7	10,1
Сирдарё	68,9	100,1	24,3	10,0
Сурхондарё	90,3	100,0	45,8*	48,9
Андижон	93,1	100,0	50,2	41,1
Қашқадарё	80,7	100,0	планда белгиланмаган	
Фарғона	51,4	99,1	45,2	22,5
Наманган	71,2	93,3	48,9	35,8
Бухоро	69,2	82,0	планда белгиланмаган	
Хоразм	53,3	50,8	67,6	36,9
ҚҚ АССР	58,2	29,7	32,3	33,4
Республика бўйича:	69,0	88,8	39,6	28,3

*) маълумот аниқланган.

Планетамизда

СССР ВА АҚШ ЎРТАСИДА АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

ВАШИНГТОН, 4 октябрь. (ТАСС). Вашингтонда СССРнинг АҚШдаги савдо ваколатхонаси очилди. Бу ваколатхона Вашингтонда СССР элчихонаси ҳузуридаги савдо маслаҳатчиси аппарати ўрнига тузилди.

АҚШда СССР савдо ваколатхонаси билан айни бир вақтда Москвада Қўшма Штатлар савдо ваколатхонаси ҳам очилди. Бу ваколатхоналар СССР ташқи савдо министри Н. С. Патоличев билан АҚШ молия министри Ж. Шульц ўртасида 1973 йил 22 июнда имзоланган протоколга мувофиқ ташкил этилди.

АФРИКАНИНГ ОБРЎСИ ОШМОҚДА

НАЙРОБИ, 4 октябрь. (ТАСС). Кения пойтахтида БМТнинг атрофдаги муҳит масалалари билан шуғулланувчи секретариати қароргоҳини очиш тантанали маросими бўлиб ўтди. БМТнинг муҳит масалалари билан шуғулланувчи секретариатининг бош директори Мори Стронг БМТ бош секретари Курт Вальдхайм табриномасини ўқиб эшиттирди. У планетада атрофдаги муҳитни сақлаш учун курашдаги куч-ғайратларни бирлаштириш зарур, деди.

БМТ ихтисослаштирилган шу органининг Африка қитъасида қароргоҳини очиш, деди Кения президенти Жомо Кениата, жаҳон майдонида Африка мамлакатларининг обрўси ошаётганлигидан далолат беради.

Перу ҳукумати чет эл монополияларини янада чеклаш ҳамда маҳаллий саноатчилар фаолиятини назорат қилишни кучайтириш юзасидан қарор қабул қилди. Мамлакатда балиқ уни ва мойи ишлаб чиқарувчи корхоналар национализация қилинди. Перу бу қимматли хом ашёни ишлаб чиқаришда жаҳонда биринчи ўринда туради. Суратда: национализация қилинган корхона.

Пресса—Латина—ТАСС фотоси.

ЖАЛЛОДЛАРНИНГ ЙЎЛИ ТЎСИЛСИН

Чилидаги ҳарбий хунтанинг хунрезлигига қарши бутун дунёда норозилик тўлқини тинмаётир. Ҳамма мамлакатлардаги миллион-миллион кишилар репрессияларга барҳам берилишини, Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корвалан ҳаётини қутқариб қолинишини талаб қилмоқдалар.

ПРАГА. Жаҳон касаба союзлари федерациясининг секретариати барча халқаро, регионал ва миллий касаба союз марказларига, барча мамлакатларнинг демократик ҳукуматларга, БМТга, яхши ниятли ҳамма кишиларга мурожаат қилиб, Чили раҳбарининг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўз ихтиёрларида бўлган ҳамма воситалардан дарҳол фойдаланишга чақирди.

СОФИЯ. «Бутун дунёнинг демократик кучлари, — деб ёзади «Работническо дело» газетаси, — Чилини қонга ботирган қотилларнинг тийиб қўйилишини талаб қиладилар. Биз Чили халқи пировардида галабага эришиб, қонли террор жиноятчиларини қаттиқ жазолайди деб ишонамиз.

ХАНОЙ. Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг органи «Ньян зан» газетаси редакцион мақоласида таъкидлаб ёзадики, Чили реакциячилари Л. Корвалан ўч олишмоқчи. Чунки у ўз ватанининг мустақиллиги, озодлиги ва шон-шарафи учун ҳормей-толмай курашган кишидир. Вьетнам халқи жаҳондаги халқлар билан бирга: «Луис Корвалан дарҳол озодликка чиқаринсин!» деб қатъий талаб қилади, деб ёзади газета.

УЛАН-БАТОР. МХР парламент группаси ҳарбий хунта сенатор, Чили Компартиясининг Бош секретари Луис Корваланни қамоққа олганлигига қарши қатъий норозилик билдирди ҳамда Луис Корвалан ва Халқ бирлигининг қамоққа олинган бошқа арбоблари дарҳол озод этилишини, исёнчилар бошлаган хунрезлик ва ёвуз репрессиялар тўхатилишини талаб қилди.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг кўпгина шаҳарларида Чилидаги контрреволюцион ҳарбий хунтанинг бебошлигига қарши митинг ва намойишлар бўлиб ўтмоқда. Хунтанинг террори Ҳиндистон матбуотни саҳифаларида ҳам қаттиқ қораланмоқда. «Жаҳон гитлерчилар Германияси замонидан бери бундай ваҳшийликнинг шоҳиди бўлмаганди», — деб ёзади «Пэтриот» газетаси.

БЛЭКПУЛ. Лейбористлар партияси 72-конференциясининг қатнашчилари Англия Бош министри Э. Хитга телеграмма юбориб, Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корвалан ҳаётини қутқариб қолмоқ учун дарҳол аралашишга даъват қилдилар.

РИМ. Италия парламенти депутатлар палатасида христиан-демократик партия группасининг раиси Ф. Пикколи Чилидаги репрессиялардан қаттиқ қоралаб чиқди.

Италия илмий ходимларидан мингга яқин киши, шунингдек, таниқли маданият арбоблари катта бир гуруҳи Министрлар Советининг раиси Румория ва БМТ Бош секретари К. Вальдхаймга мурожаат қилиб, Чилида инсон ҳуқуқлари ва конституция эркинликларини ҳимоя этишга даъват қилди.

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Ғарбий Берлин Далем университети студентлари ва муаллимларидан уч мингдан ошиқ киши Чили халқи билан бирдамлиқ митингида қатнашди. Митингда қабул қилинган резолюцияда ҳарбий хунтанинг террори қаттиқ қораланади.

СТОКГОЛЬМ. Швеция тинчликни ҳимоя қилиш миллий комитети Луис Корвалан дарҳол озод этилишини талаб этди. Комитет Чили хунтасига шундай талаб қўйилган телеграмма юборди.

БРЮССЕЛЬ. Бельгия пойтахтида Чили демократлари билан оммавий бирдамлик намойиши ўтказилди. (ТАСС).

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

ДЕҲЛИ, 4 октябрь. (ТАСС). Ҳиндистон жамоатчилигининг кенг табақалари СССР билан Ҳиндистон ўртасида самарали ривожланаётган иқтисодий муносабатларга юксак баҳо бермоқдалар. Ҳиндистонда энг йирик бўлган Уттар-Прадеш штатининг Матҳура шаҳрида нефтни қайта ишлаш заводи қурила бошлаганлиги, деб таъкидлайди Ҳиндистон матбуотининг нуфузли органлари, экономика соҳасида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда янги муҳим омил бўлади. Бу завод Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилади. «Нэшнл геральд» газетаси бугун ана шу воқеани шарҳлаб, завод Ҳиндистон иқтисодий мустақилликкга эришиш соҳасида, экономиканинг энг муҳим тармоқларидан бирида давлат сектори позицияларини янада мустаҳкамлаш учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлади, деб ёзади.

Бу лойиҳа амалга оширилишининг муҳимлиги шуки, «Устан таймс» газетаси редакцион мақоласида, нефть химияси тармоғининг энг йирик корхонаси барпо этилиши умуман миллий экономикани ривожлантириш учун катта истиқболлар очиб беради.

ТЕЛЬ-АВИВ ИҒВОГАРЛИКНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

БАЙРУТ, 4 октябрь. (ТАСС). Исроилнинг уч қирувчи самолёти чоршанба куни Ливаннинг осмон чегарасига бостириб кириб, мамлакатнинг жанубий районлари устида разведка мақсадида паст учиб юрган.

Исроил ҳарбий катерлари, деб хабар беради «Аш-шааб» газетаси, сўнгги кундарда Ливан соҳилларига бир неча марта яқинлашган.

Исроил Ливан чегаралари яқинида ва Сурия билан ўт очишни тўхтатиш линиясида ўз қўшинларини тўплаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам келиб турибди. «Ал-лива» газетасининг ёзишича, Тель-Авив кечаси кундарда ҳаводесант бўлинмалари билан қучайтирилган бронетанк қисмларини чегара районларига келтириб қўйган. Исроилликлар Сурияннинг босиб олинган территорияси бўлган Жўлан тепаликлари районига иккита бронетанк бригадасини ва оғир артиллерия батареяларини ҳам келтирган.

ХУНТА Л. КОРВАЛАННИ ҚАТЛ ЭТМОҚЧИ

ПАРИЖ, 4 октябрь. (ТАСС). Ҳозирги вақтда Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корвалан «Бернардо Охиггинс» ҳарбий академиясида «сўроқ қилинмоқда». Сантъягодан олинган хабарларга кўра, кеча ҳарбий режим вакили шу гапни айтган. У ҳарбий трибунал Л. Корвалан устидан чиқарадиган ҳукмдан «шикоят қилиш мумкин эмас», деб таъкидлаган.

Маълумки, Чили ҳарбийлари Л. Корваланни қатл этишга ҳозирлик кўрмоқда. Ҳарбийлар унга давлатга хиёнат қилди, деган бебурд айб қўймоқдалар. Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг шу атоқли арбоби ҳаётини хавф-хатар остида турибди. Исёнчилар уни қатл этишмоқчи.

ДЕЛЕГАЦИЯ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШДИ

АҚШ газета ноширлари миллий уюшмаси журналистлари делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишиб бўлди. Делегация аъзолари «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясида, республика журналистлар союзи правлениесида бўлдилар.

Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини бориб кўрдилар.

(ЎзТАГ).



ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ — ДАВР ТАЛАБИ

БУГУН МОСКВАДА ХАЛҚАРО ТИНЧЛИКСЕВАР КУЧЛАР КОНГРЕССИ ОЧИЛАДИ

Бугун Москвада иш бошлайдиган тинчликсевар кучлар конгресси халқаро ҳаётда катта воқеа бўлиши шубҳасиз. Чунки уни халқлар оммаси орасида катта нуфузга эга бўлган кўпгина халқаро ташкилотлар тайёрлашди. Мазкур анжуманнинг кун тартибига халқаро ҳаётнинг кўпгина муҳим проблемалари қўйилади. Бу биринчидан, Ҳинди-Хитойда ва яқин Шарқда ҳарбий агрессия ўчоқларини тугатиш масаласи бўлса, иккинчидан, қуролсизланиш ва коллектив хавфсизлик масалаларидир. Учинчидан эса, миллий мустақиллик, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт проблемалари муҳокама қилинади. Ниҳоят, мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорлик йўллари қараб чиқилади. Бу ерда ҳаммасига Москва анжуманида муҳокама қилинадиган мавзуларнинг нақадар муҳимлиги ва ранг-баранглигини кўрсатиб турибди.

Шунга қарамай, бундай анжуманнинг ўтказилиши ўзининг актуаллигини йўқотди, чунки халқаро кескинликни юмшатиш борасида катта қадамлар қўйилди, деган овозлар ҳам эшитилмоқда. Вироқ, бу овозлар мутлақо асоссиздир. Чунки Яқин Шарқда ва Ҳинди-Хитойда агрессия ҳамон давом этяпти. Тхиеу ҳукумати, масалан, Жанубий Вьетнамда чинакам тинчлик ўрнатилишига тўсқинлик қиляпти. Камбоджада ҳамон қон тўкиляпти. Бундай аҳвол бирорта ҳам тинчлик тарафдорининг, у қаерда яшашидан қатъий назар, бепарво қараб туришига йол қўймайди.

Қуролсизланиш ва коллектив хавфсизликка эришиш замонамизнинг энг муҳим проблемаларидан эмасми, ахир?

Тинчлик тарафдорлари конгресси тинчлик учун бутун жаҳон ҳаракатини кенгайтиришга имкон беради. Унинг қатнашчилари кескинликни юмшатишга қарши чиқаётганларнинг қаршилигини енгади, деб ишонамиз. Тинчлик кучлари ёш давлатларнинг миллий мустақиллигини мустаҳкамлашга, ирқчиликка қарши ва мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик учун курашишга муносиб ҳисса қўшишлари мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур конгресс планетамиздаги тинчликсевар кучларнинг бирлашиши йўлида муҳим босқич бўлиб қолади.

Жак ДЮКЛО,
Франция Компартияси Сиёсий бюросининг аъзоси.
(АПН).

ҚАРШИНИНГ БУГУНГИ ЖАМОЛИ.

А. Тўраев фотоси.

АҲИЛ ОИЛАЛАР ДАВРАСИДА

АЯЖОНЛАРИМ

Она! Онаизор! Тунни тонгга улаб ҳаётимиз бешигини тебратишдан толдим демаган пахлавонсиз!

Қалбингиздаги қат-қат орзуларингиз жиғаргўшангиз тақдирида рўёбга чиқишини аллаларингизда мадҳ айлаган бошимиз узра чарақлаган қуёшимизсиз!

Сиз қўриқ ва бўз ерларни очган, «оқ олтин»дан хирмонлар уйган мўъжизакорсиз. Сиз илғор ишчи ва фан докторі! Сиз машҳур санъаткор ва қаҳрамон онасиз! Ҳа, бошимизни силаб, буюк ишларга отлантирган сўнмас машъалсиз.

Ой куни билан қуёшдан нур эмиб, тунни ёритган мисол сиздан сипқирганимиз яхшилик ва бахшиданликни зурриётларимизга меърос қолдирамиз.

Фидоийлик, фарзандларингизнинг бахт-иқболи рамзи қадоқ қўлларингиз, ҳар бир чокида меҳр бўлоғи жо бўлган нурли чеҳрангиз, қиров қўнган азиз бошингиз қаршисида қўлимизни кўксимизга қўйиб таъзим қиламиз. Сиз билан бахтимиз тўкис. Ҳаёт борича бор бўлинг топилмас бойлигимиз, сўнмас чироғимиз-аяжонларимиз!

СУРАТДА: Аҳил қудалар Иногомовалар. Екутхон ая Азизова билан Ҳосият ая. И. Глауберзон фотоси.

ҲОСИЯТ хола ғира-ширада уйғонди. Бағрида пишиллаб ухлаб ётган неварасининг устини авайлабгина ёпди-да, сездирмасдан ўрнидан сирғалиб чиқди. Ичкари уйнинг қия эшигидан ўқловдек нур дахлизга тушиб турибди. Санъатхон халиям ухламабди, шекилли, қўнғлидан ўтказди у ва оҳиста ичкари кирди. Келини столга бошини қўйганича жим... Ёзиб-ўчирилган, тижимланган қоғозлар ён-атрофида тўзиб ётибди.

— Болам, келинпошша туринг. Ўрнингизга бориб ётинг...

— Вой, кўзим кетиб қолибди, соат неча, аяжон, иш вақти ҳам бўлгандир...

— Жонингизда қасдингиз борми ўзи! Пича дамингизни олинг, ўзим уйготаман. Ахир, йўлга чиқадиган одамсиз... Келин итоаткорона ўрнига бориб ётди. Ҳосият хола стол устидаги лампани чиқ этиб ўчирди-да, эшикка чиқди.

Йигирма йил! Санъат хонни келин бўлиб тушганига йигирма йил бўлибди. Билибдики, ўқиди. Тунларни тонгларга улаб ўқиб-ёзади. Дафтар-китобларини йиғиштириб қўрда-қўймай ухлашга ундаган, йўраб келинг деб онасиникига йўллаган, дам олишга чорлаган кунларининг адоғи йўқ... Лекин, боласи тушмагур...

Санъатхон янги келин. Хушфеъл, хуштавозе Нақш олмадек қизмизи яноқлари, момиқдек оппоқ қўллари... Ая Илҳомжонимга яхши жойлардан ато қилсин деб, дуо қиларди. Лекин келини орзулаганидан анча бўлишини, очиғи, кутмаганди. Боламга! кўз тегмасин, деб кунда исириқ солар, боламнинг қўли қадоқ бўлмасин, деб супургининг бандига боғлаган шаша доканн ҳар куни алмаштирарди... Невараси Искандарни сумбатдай йўрғаклаб, қорнинқор, ёмғирни-ёмғир кечиб, трамвайдан трамвайга кўчиб, ТашМИ томон равона бўлганлари, келинига эмиздириб, яна орқасига қайтган беҳаловат кунлар қанча?! Келининнинг райъига қараб, неварасини бешиксиз боққан тинимсиз ойлар қанча?! Келининнинг имтиҳон пайтларида-ку невараларини бағридан қўймас, уларни ўз хонасига буткул кўчириб олиб чиқарди. Тунлари бир-икки эмиздириб олгани бўлмаса, келинини безовта қилмасди. Ўқисин, фикри бўлинмасин, дам олсин... Бундай кезларда қудаси Екутхон ая ҳам Хадра-Батумский бўйлаб ботбот қатнаб қоларди. Имтиҳондан яхши ўтиб келдингми болам, деб кўнгил сўраб бир келса, янги мактабга чиққан невараси мактабга олиб борди, олиб келиш ҳам ёрдамку, деб яна отланарди. Екутхон ая қудасиникида ўралашиб, узукун қолиб ҳам кетарди. Қудасининг ҳай-ҳайига қарамай, тўдалоғлиқ кирларни дазмоллар, уйини йиғиб чиқар, хуллас тиниб-тинчимасди. Саъна-тим ўқиш билан, қудам бола билан бўлиб, бояқиш қуёвимга ҳам жабр бўлди, хамир овқатни яхши кўргувчи эди, деб ё чучвара, ё мантига уннаб кетарди. Оила жамул-жам бўлганидан кейин қудажон, энди менга рухсат, деб отланишга тушарди.

— Етиб борарсиз, Екутхон бону, келинг, энди бир отамлашиб ўтирайлик.

— Жоним билан қолардиму, опажон, лекин ўзингиздан қолар гап йўқ. Келиним Лолахонинг тоби қочиб ўйда, устига неварам Лаълихон ҳам ишталаб чиқувди. Эртага дарсга бориб келиб, уларга парво қилмасам бўладими. Индинга келаман, айланай қудажон ишдан чиқаману албатта келаман.

Санъатхон аспирантурада, Санъатхон докторантурада. Ҳаёт аравасини шу зайлда аяжонлари биргалашиб итаришар, биргалашиб тортишарди.

Санъатхон фан доктори унвонини олган куни табриклашга келган биродарлари, ҳамкасблари олдига онаси, қайнонаси қақотида пешвоз чиқди. Унинг ёлқин кўзлари, дилбар кулдиргичлари мана шулар менинг иқболим рамзи, мана шулар менинг уч ўғил-қизимнинг онаси бўлишдек бахтимда улкан улуши бор суянган тоғларим, қўри-гавҳарларим деяётгандай эди.

ШИРИН хотиралар Ҳосиятая ҳаёлини андак чулгаб қолди. Қорнб қўйган хамири эсига тушди чоғи, кавушини пойма-пой кийиб, ошхонага ошиқди. Хамир бир тоғора бўлиб кўпчиб ётарди. У нариданбери тандирга ўтин қалаб ёқиб юборди-да, суправи ёзиб, нон ясашга ўтирди. Санъатхон болаларини тургазиб, нонуштага ҳозирлик кўраётганида Ҳосият ая охирги кулчаларини тандирдан узаётган эди. Тутаётган косовдан қайнонасининг ўқиб кўзларини уқалаётганини кўрди-да, келин югуриб келиб човгимдан сув сепди.

— Нима қилардингиз, ойижон, магазин тўла хилма-хил нон...

— Қўлболадек бўлармиди, болам. Ҳали замон сизни кузатишга қудаларим, овсунларингиз келиб қолишади. Дастурхоннинг кўрки.

— Иссиққа-ю, йўқсиз, менга айтсангиз-у, ҳеч бўлмаса ёпиб берардим...

— Туни билан мижжа қоқмай чиқинг-да, яна мен сизга нон ёптирайми?!

Қайнона-келин шараклаб кулиб юборишди. Буги чиқиб турган саватдаги нонларни кўтариб олдинда Санъатхон, кейинда рашидда орқаси тушгач баркашдек патирни олиб қайнонаси пешайвонга кириб келишди. Санъатхон нариданбери чой ичиб, ошхонамга бирров учраш-ди, хайрлашиб келаман деб, чиқиб кетди. Ҳиёл ўтмай бир кўча нарида турадиган келини Дилоромхон кўринди.

— Бормисиз, ойижон. Сочтиришиб қўйдингиз-ку. Бир кўриб чиқай деб кирдим...

— Кўнглимдан ўтиб турувдингиз Сизга етолмай гаранг бўлиб турувдим, хайрият... Келин қайнонасининг ёнига ўтираркан, тинчликми, дегандай чиқилди.

— Овсинингиз сафарга кетадиган бўлиб қолди, болам. Хойнахой кузатишга йиғилишиб келишади. Бундоқ уёқ-буёқни келиштириб ўтирайликми девдим...

— Жоним билан аяжон. Уйдан бирров хабар оламану изимга қайтаман. Ҳосият хола елиб бораётган келинини орқасидан чақириб, тўхтатди:

— Овсинингиз Мавжудахонга қайнисингилларингизга ҳам кўнгироқ қилиб, билдириб қўйинг. Зора келишса...

Санъатхон йўл тараддудида майда-чуйда ишларни битириб, уйига қайтганида ҳамма ёқ ойдек, хонадон гавжум эди. Ҳар гал шундай. Бир ёққа отланадиган бўлса йиғилишиб келиб кузатишади, яна йиғилишиб кутиб олишади. Нимаси кўп, юриши кўп. Баъзида ҳижолат ҳам бўлиб кетади. Шунинг учун билдирмай қўя қоларди... Лекин қаердан эшитишаркин..: Санъатхон меҳри тобланиб қайнонасига қаради. У ошхонада уймалашарди. Ҳосият хола дамлаб қўйган ошини сузишни ҳам, сузмасликни ҳам билмас кўзлари эшикда. Қудалари нега ҳаяллашяпти... Ана, бир эмас, иккита такси дарвоза олдига келиб тўхтаби. Екутхон ая келинлари Лолахон, Саидахон, Назирахонлар, невараларини олдига солиб кириб келди. Ҳамма жамул-жам бўлди. Кўнгиллар ёришди. Даврининг тўрида Ҳосият хола билан Екутхон ая. Атрофларида фарзандлари, фарзандларининг фарзандлари уйнинг бозори бўлиб чугурлашиб юришибди. Тўрт ўғил ва уч келин, уч қиз ва уч куёв Ҳосият аяда, уч ўғил ва уч келин, икки қиз ва икки куёв Екутхон аяда. Ҳаммаси ўқимишли, тушунган, ҳаммадан келиндарини айтмайсизми?! Бири-биридан яхши. Бири дори тайёрловчи, бошқаси фан кандидати, инженери ҳам, ҳамшираси ҳам бор... Санъатхон ҳам булар билан ҳар учрашганида дил-дилидан яйраб кетади. Санъатхон ўз уйида бош бола бўлса, тушган хонадонида ҳам бош келин эди. Овсинларини, келинларини укалари билан кўриб, танишиб дилидан ёқтириб олган.

— Сизга ёқса бизга ёққандай, — ўзига ишонгандай ишонарди онаси ҳам, қайнонаси ҳам. Уларнинг ҳар қайсиси билан етаклашиб магазинларда сарпо танлаган, нимкоҳ тўйларида келди-кетди, борди келдини бошқариб, хонадонининг обрўйини олган. Ҳовли супуришга уялиб-қимтиниб чиққан янги келинга кўшилиб супиришган, пиширишган. Овсинларининг кўзи ёришини интиқ кутиб, тўғруқхоналарнинг эшигида тонг оттирган...

Санъатхон кузатиб чиққанларни бир-бир қучиб хайрлашди-да, аяжонларининг қошига келганда бенихтиёр уларнинг кўксига бош эгди. У энтикиб, тўлиб қўлини силкитганча самолёт томон илгарилади.

Эртага Деҳли шаҳрида очиладиган табиий кимё фани ва фармокологнага бағишланган ҳинд-совет симпозиуми минбаридан туриб медицина фанлари доктори Санъат Азизова доклад қилади. Ёш фан-докторнн бугунги ўзбек қизининг вакиласи сифатида ишчи корхоналарига, дала меҳнаткашлари ҳузурига, ёшлар даврасига таклиф қиладилар. Санъатхон бахти бекам ўзбек хотин-қизларининг нурли чўққилар сари дадил одимлаётганидан, албатта, сўзлаб беради.

Самолёт осмонга кўтарилди. Самога қадалган икки илҳақ кўз, икки мўъжиз нигоҳ узоқ-узоқлардан ҳам чароғон кулиб тургандек эди Санъатхонга.

Бирингиз оқ сут бериб боқдингиз. Вояга етказиб, қўш-қўлаб худди ўзингиздек деб билган иккинчи она бағрига узатдингиз. Иккинчингиз эса қиз кўксидаги меҳр гавҳарини кул бостирмай қалб қўрингиз билан ёқиллатдингиз, жиле бердингиз. Мана шу мўъжизгина елкангизда, мана шу мўъжизгина хонадонингизда, ардоғингизбеҳаловат оғушингизда камол топди олима қизингиз.

Дилбар МАҲМУДОВА.

СПОРТ янгиликлари

Группа пешқадамлари

Ўзбекистон футбол биринчилиги мусобақалари шу ойда тугайди. Финалга чиқиш учун уч группада давом этаётган учрашувлар тобора қизғин тус оляпти. Чунки, группаларда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаб турган коллективлар финалда қатнашиш имкониятига эга бўладилар.

Бугунги кунда биринчи группада Маргилоннинг «Меҳнат» командаси 22 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи группада олдинги ўринни эгаллаб турган Гулистоннинг «Мотор» командаси финалга чиқиш ҳисоб. Бу коллектив 24 очко жамгариб қўйди. Учинчи группада 22 очко билан «Сўғдиёна» биринчи ўринда бор.ляпти.

Мерганнинг медали

Мерганлик бўйича мамлакат чемпионатининг охирги кунлари томошабинларни жуда ҳаяжонлантирди. Минск шаҳрида ўтаётган бу мусобақада олтинчи ўринга даъвогарлик қилиб турган Ўзбекистон командаси мерганлари. Латвия командасини ортда қолдириб кетдилар.

100 метрдан «Югурувчи буги»ни отиш машқида қозогистонлик И. Зернов чемпион бўлди. Олимпиада чемпиони москвалик В. Постоянов билан Ўзбекистон вакили П. Кобрусевлар бир хил—235 тадан очко жамгаришди. Республикамиз мергани Ўзбекистоннинг янги рекордини ўрнатди. Лекин иккинчи ўрин кимга тегиши ҳамон ҳал бўлмаганди. Шунинг учун мусобақа судьялари бу икки спортчига қўшимча вақт тайин қилишди. Бу гал Ўзбекистонлик Пётр Кобрусевнинг қўли баланд келди. Натижада у республикамиз командасига яна бир кумуш медаль олиб беришга муваффақ бўлди.

ШАКАРНИНГ ҚАЙТИМИ— «ЗАПОРОЖЕЦ»

Турғунжон чет эллик меҳмонларни «Узбексельмаш» заводига элтиб кўйиб, машинасида уларнинг қайтишини кутиб ўтираркан, тўсатдан хотинининг топшириғи эсига тушиб қолди. Ишдан қайтишда шакар олиб келишни тайинлаган эди. Завод ёнгинасидаги озиқ-овқат магазинига кириб, шакар харид қилди. Сотувчи қайтимига СССР Ешлар ташкилотлари комитети чиқарган фестиваль лотерея билетидан иккитасини тутқазди.

Гаражда ҳамкасблари билан «Комсомольская правда» газетасини кўриб ўтираркан, лотерея жадвалига кўзи тушди. Эсига бундан икки ой илгари сотиб олган билетлар тушди. Ёнида экан. Текшириб, кўзларига ишонмади, Дўстларига тутқазди: ҳақиқатан ҳам унинг 07397 серидаги 079 рақамли билетига «Запорожец» машинаси чиққанди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар мудирлиги автохўжалигининг шофери Кушаев Турғун шу тариқа шакарнинг қайтимидан машинали бўлиб қолди.

Н. АБДУКАРИМОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

8 ОКТЯБРЬ—ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 —Мультфильм. 18.45 — Сўнмас жасорат. 19.05—Ахборот. 19.20 — МОСКВА 20.10 — ТОШКЕНТ. Ўн минут музика. 20.20 — Ахборот. 20.40—**Ота** (2-қисм). 22.00—МОСКВА. «ВАҚТ». 22.30 — ТОШКЕНТ. Концерт. 23.00—Оламда нима гап? 23.15—Хоккей: «Динамо» (Москва) —«Трактор» (Челябинск). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30—МОСКВА. 19.20 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильмлар экрани. 19.40 — Спорт кўрсатуви. 20.10 — МОСКВА. Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Финал. 20.50 — **Чорраҳадаги кишилар** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 22.00—ТОШКЕНТ. «Прогресс» программаси. 22.30—МОСКВА. 23.15—ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильм. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.30—ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

9 ОКТЯБРЬ—СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 —Бокс бўйича СССР кубоги мусобақалари. 18.45 — «Глобус» программаси. 19.15—Ахборот. 19.30—МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. «Фан» программаси. 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — Ахборот. 21.00—Шеробод қизлари. 21.20 — Концерт. 22.00—МОСКВА. «Вақт». 22.30 — Хоккей: **«Крылья советов»** — ЦСКА. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00—МОСКВА. 19.30—ТОШКЕНТ. Адабий кўрсатув. 20.00 МОСКВА. Концерт. 21.00 — **Чорраҳадаги кишилар** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. Актер билан учрашув. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ўқув кўрсатувлари. 20.10 — Ҳужжатли фильмлар экрани. 21.40—**Куёш барчага баробар нур сочади** (бадиий фильм).

10 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30—МОСКВА. 13.15 — **Чорраҳадаги кишилар** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 18.45 — Ўқув кўрсатувлари. 19.15 — «Коммунист». 19.45 — Ахборот. 20.00 —Ўн минут музика. 20.10 — Ёзувчи ва замон. 20.40 — Ахборот. 21.00 — Назм ва наво. 22.00 — МОСКВА «Вақт». 22.30 — Футбол: **«Динамо»** (Киев) — **«Арарат»** (Ереван). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 —ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 13.00—**Бадиий фильм.** 18.30 — МОСКВА. 20.00 — Реклама. 20.45— **Чорраҳадаги кишилар** (бадиий фильмнинг 3-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. Беш йиллик маршрутлари бўйлаб. 22.20 — **Бадиий фильм.** УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 —Ўқув кўрсатувлари. 20.10 — **СЕНИНГ ЗАМОНДОШИНГ** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 21.05—Ҳужжатли фильм. 21.15 — Телефильм. 21.40 — Телеспектакль.

11 ОКТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30—МОСКВА. 18.25 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Мультфильм. 18.45 — «Старшеклассник» программаси. 19.15 — Ахборот. 19.30 — МОСКВА. 20.00—ТОШКЕНТ. Шеробод қизлари. 20.15—Шеърият муҳлисларига. 20.25 — Ахборот. 20.45 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув ва концерт. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — **Совлар чошгоҳда йўқолади** (бадиий фильмнинг 1-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30—ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 13.00 — Бадиий фильм. 18.55 — МОСКВА. 19.30 — ТОШКЕНТ. «Ешлик». 20.00 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.40 — Реклама ва эълонлар. 20.00 — Бокс. СССР кубоги учун. 21.20 — **Сенинг замондошинг** (бадиий фильмнинг 2-серияси).

12 ОКТЯБРЬ—ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 —Фильм-концерт. 18.30—Нафосат оламида. 19.00 — Халқ контроли экрани. 19.30 — МОСКВА. 20.00—ТОШКЕНТ. Ахборот. 20.15—Ўн минут музика. 20.25—Ахборот. 20.45 —Пахта терими кундалиги. 21.00 —Концерт. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — МОСКВА. 19.30 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильмлар экрани. 20.00 — МОСКВА. 22.00—ТОШКЕНТ. «Ешлик». 22.30—МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00—ТОШКЕНТ. Тошкент янгиликлари. 19.15 — Фильм-концерт. 20.00 — «Тошкент—бугун ва эрта». 20.20—Телеспектакль.

13 ОКТЯБРЬ—ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.50 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10—Мультфильм. 10.30—Экран ҳандаси. 11.00 — МОСКВА. 11.05—Янгиликлар. 11.10—Мультфильмлар. 12.05 — «Совет олимпиаси тинчлик учун курашда». 12.35 — **Футбол. «Черноморец»** (Одесса) — **«Нистру»** (Кишинев). (2-тайм). 13.30 Концерт. 14.15 — «Ота-оналар сизлар учун». 14.45 — Рақс ҳаёти. 15.30 — «Здоровье». 16.00 — Ўтмиш киноленталари. 17.30 — ТОШКЕНТ. 17.35 — Мультфильм. 18.00 — Музикали программа. 18.30 — Аҳолига кўплаб маҳсулотлар. 19.00 — Ахборот. 19.15 — МОСКВА. «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуков телетомошабинлар саволларига жавоб беради. 20.00 — ТОШКЕНТ. Экран қўлари. 20.40 — Ахборот. 21.00—Қизлар дарвоза. 22.00 — МОСКВА. «Вақт» 22.30 — ТОШКЕНТ. **Совлар чошгоҳда йўқолади** (бадиий фильмнинг 2-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 13.00 — **Ота** (бадиий фильм). 17.30 — МОСКВА. Телеочерк. 18.00 —Музикали учрашувлар. 18.30— **Хоккей: «Динамо»** (Москва). — **«Торпедо»** (Горький). 19.15 —ТОШКЕНТ. «Ешлик» 19.45 — Реклама ва эълонлар. 20.00 — МОСКВА. «Концерт залида» 20.45 — Телевизион бадиий фильм. 22.00 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильм. 22.30 —МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

14 ОКТЯБРЬ—ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40—Музикали программа. 10.10—Мультфильм. 10.30 — Ёзувчилар—болаларга. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник» 11.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 17.00 — ТОШКЕНТ. 17.05 — Мультфильм. 17.15 —«Кичкинтой» программаси. 17.45 —Ахборот. 18.00 — **Совлар чошгоҳда йўқолади** (бадиий фильмнинг 3-серияси). 19.10 — Ахборот. 19.30 — МОСКВА. 20.00—ТОШКЕНТ. Экран ҳандаси (такрорий кўрсатув). 20.40 — «ОЛТИН ВОДИ». 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — **Футбол: «Шахтёр»** (Донецк) — **«Арарат»** (Ереван). 23.15 —ТОШКЕНТ. Музикали программа. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 11.10 — **Петр 1** (бадиий фильмнинг 1-2-сериялари). 16.00—МОСКВА. **Қор малика** (бадиий фильм). 18.30 — **Киносаҳнатчилар** клуби. 19.30 — ТОШКЕНТ. Реклама. 20.00 —МОСКВА. Спектакль. 22.00 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильм. 23.00 —Мультфильм. 23.15 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 15.30 — ТОШКЕНТ. Бокс. 18.30—ФРУНЗЕ 19.30 — МОСКВА. 20.50 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00—ТОШКЕНТ. 10.05 — Янгиликлар. 10.15 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — МОСКВА. 11.10 — Кўнгилочар спектакль. 11.40 — «Здоровье» 12.10. — Спорт кўрсатуви. 13.00 — Концерт. 13.40 — «Изланиш». 14.10 — **Ҳайвонот оламида.** 15.30 Концерт. 16.15 — Телеочерк. 16.45 ТОШКЕНТ. 16.50 — Санъат гунчалари. 17.25 — Телефильм. 17.40 **Шахтёрлар** (телефильм). 18.30 — Ахборот. 18.45 — МОСКВА. Зиддиятли Америка (иккинчи кўрсатув). 19.15 — ТОШКЕНТ. Мушоира этапи давом. 19.55 — Ахборот. 20.15 — Пахтакорларнинг меҳнат рапортлари. 20.30 — Пахтакорлар учун концерт. 21.00 — МОСКВА. «Вақт». 21.25 — **«Хоккей: «ДУКЛА»** (НССР) — ЦСКА. 23.45 — «Голубой огонёк». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ Ўқув кўрсатувлари. 16.45 — МОСКВА. 17.15 — Телеспектакль. 18.45 — «Ешлик» студияси кўрсатади 19.15 — Копейск шаҳри шахтёрлари билан учрашув. 21.00 — **Ассалом, оталар** (телеспектакль). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.30 — ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/X да **Ўжарлар,** 7/X да **Қонли тўй,** 8/X да **Ажаб савдолар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/X да **Беш кунлик куёв,** 7/X да **Ойдин** (кундуз соат 12 да), **Качонгача мой** ейсан (кеч соат 7 яримда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ИВАН АНИСИМОВ РАҲБАРЛИГИ ДАГИ ЎРГАТИЛГАН АЙИҚЛАР АТТРАКЦИОНИ (кеч соат 7 яримда, — шанба кунлари — кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари — кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

КИНО

Сангам (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (12.00, 16.00, 19.40).

Гул ва тош (ўзбек тилида) — «КЎКЧА» 11.00, 14.10, 17.10, 20.30).

Тузалмас одам — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (10.00, 14.00, 16.00, 21.45).

Таниқланган муҳаббат (11.00, 13.00, 17.00, 19.00). **Прокурор ўғли** (14.45, 20.45); — ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Привалов миллионлари (2 серия) — «ВОСТОК», «МОСКВА» кун.дуз ва кечқурун).

Қулфсиз эшик — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 14.00, 16.00). «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Ойна (тоқ соатларда), **Унинг ҳаётидаги эркаклар** 12.00, 16.00, 20.00): — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Угай она — «ЧАЙКА» (жуфт соатларда).

Сиз ҳамма гапни айтмабсиз, Ферран! — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Мени ҳали кўрасиз — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Адрес: ер планетаси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18.00, 21.00).

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ **вакант вазифаларга**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: мевачилик ва узумчилик (доктор, профессор) ва кафедра профессори.

кафедра катта ўқитувчилари: фалсафа, биохимия, ботаника, сабзавотчилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалик машиналари, рус тили;

кафедра ассистенти: чорвачилик.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

ҲУЖЖАТЛАР: **Тошкент область, Ўрмонниидзе район, «Институт» алоқа бўлими, кадрлар бўлимига юборилсин.**

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» «СТРОИМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ 8-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда башняли кран машинистларини тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОКДА

18 ва ундан катта ёшдаги, 8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар рус группаларига қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 3 ярим ой, стипендия — 75 сўм,

Елгиз нишлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 19-уй, Ўқув комбинати.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС 700.029. ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар — 338142 коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Б. — 236. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 02734.